Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 36 (20. 603) • 1990 йил 11 февраль, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА МУЗОКАРАЛАР

6 февраль

Шарқий Европада юз бераётган ҳодисалар бефарқ қараб туриб бўлмаса керак, деди Сиёсий бюро аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **А. Н. Яковлев.** У ерда хилма-хил жараёнлар юз бермоқда ва турли натижаларга олиб келмоқда, лекин қонуният битта: танглик қанча чуқур бўлса, унинг оқибатлари ҳам шунчалик оғир. Демак, ўзгаришлар жиддий суратда кечикиб қолган. Ташвишли воқеалар эса 1953 йилда ҳам, 1956 йилда ҳам, 1968 йилда ҳам, 1980 йилларда ҳам бўлган эди. Айниқса, Германия масаласи мураккаб бўлиб, у кўпгина сабабларга кўра чуқур фикр юритишни талаб қилади. Ҳозир мана шу соҳада жуда фаол сиёсий-дипломатия иши олиб борилмоқда.

Бу ерда бошқа масала ҳам — бизнинг муносабатимиз масаласи ҳам қўзғалмоқда. Бу масала Сиёсий бюрода бир неча бор кўтарилди ва ҳозир узил-кесил хулоса чиқариш учун ҳали эрта. Шунга қарамай, модомики, биз ўз хонодонимизда эркинлик ва демократия принципларини эълон қилаётган эканмиз, бошқаларнинг шундай қилиш ҳуқуқини инкор этиб бўладими. Модомики, биз 1985 йилдаёқ социал йўлни эркин танлашни эълон қилган эканмиз, бугун ана шу регионлардаги воқеаларни тўхтатиб қолиш учун қандайдир сеҳрли чоралар кашф этиш бемаънилик бўлур эди. Ҳали ҳамма нарса аён бўлгани йўқ, лекин бир нарса очиқ кўриниб турибди: воқеаларнинг боришини, айниқса, мамлакатимиз хавфсизлиги нуқтаи назаридан диққат билан кузатишимиз керак.

Нотиқ сиёсий вазиятнинг муҳимлигини таъкидлаб, дастур лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Дастурга киритилган кўпгина нарсалар кечагина социализм йўлидаги мурватларни ёмон ният билан олиб ташлаш деб ҳисобланган эди, бугун эса улар амалда ҳаётимизга кириб келмоқда. Бу ҳол ишда сифат ўзгаришлари қилишни, юксак даражадаги билимдонликни талаб қилади, чунки фақат билимгина одамни янглишишлардан, билимсизлик эса — масъулиятдан ҳоли қилади.

Дастур лойиҳасини бир вақтнинг ўзида ҳам ўнг қўл, ҳам сўл қўл яратган, деб ҳисобловчилар билан мунозара қилиб, нотиқ буни ҳужжатнинг камчилиги эмас, балки ютуғи деб ҳисоблар эдим, деди. Унда сиёсий мувозанат топилган бўлиб, ана шу мувозанат асосида партиянинг соғлом сиёсий марказини яратиш мумкин, ана шу мувозанатда КПСС ичидаги барча кучларнинг, шунингдек жамиятдаги барча қайта қуриш тарафдорлари бўлган кучлар ва ҳаракатлар билан ўзаро келишиш ва ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар мавжуд. Қайта қуриш ҳозир жуда катта қийинчиликни бошидан кечирмоқда, унинг ўзи ҳам зиддиятлидир. У иқтисодиётда, сиёсатда, халқ ва партиянинг бутун турмуш тарзида туб ислоҳотларни эълон қилиб ва бошлаб юборибгина, ўзи ҳам ўнгдан, ҳам сўлдан танқид ўти остида қолди. Ўнглар учун у йўл қўйиб бўлмайдиган даражада революцион бўлиб, сўллар учун эса чидаб бўлмас даражада консерватив ва сусткашлик бўлиб кўринмоқда.

Нотиқ мамлакатда олий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифни ёки баъзан айтаётганларидек, сиёсий системага жорий этилган президентлик ғоясини қўллаб-қувватлади. Бундай қадамни қўйиш учун сабаблар жуда ҳам етарли, деб тушунтирди у. Ғап фақат мамлакатда қонун ва тартибни, давлат интизоми ҳамда умумий интизомни сақлаб туришдагина эмас. Лекин булар ҳам ҳозир жуда долзарбдир. Аҳвондаги бутун тажриба ички ва ташқи сиёсатнинг баъзан танглик ҳолатидаги жуда кескин ва кечиктириб бўлмайдиган муаммоларидан иборат ўзига хос соҳа ҳамиша мавжудлигини кўрсатмоқда. Тез ва кенг кўламда ташаббус ҳамда эпчиллик қилиш зарурлигини тақозо этувчи ишлар бор. Оператив сиёсий бошқарувнинг моҳияти ана шундан иборат бўлиб, у ўз ишлари, вазифалари, шакллари жиҳатидан халқ депутатлари съезди, Олий Совет, СССР ҳукумати шуғулланиши керак бўлган ишлардан фарқ қилади. Олий ҳокимиятни мана шундай ташкил этишни бизнинг бугунги эҳтиёжларимиз эмас, балки келгусидаги эҳтиёжларимиз нормал турмуш талаблари ва сиёсий жараённи кризисли эмас, балки нормал ташкил этиш талаблари тақозо этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг секретари жамиятда ва партияда юз бераётган жараёнларни таъриф-лаш билан боғлиқ масала юзасидан ўз фикрини баён қилди. Бизга реализм, жиддий баҳолаш, ҳамма соҳада тўлиқ ҳақиқат ҳаводек зарур, деб таъкидлади у. Аммо мен ваҳимага тушишга қўшила олмайман. Ваҳима ҳамма вақт бетартиб қочиш ва мағлуб бўлишнинг даракчисидир. Фақат тинч ҳаётда буни фронтдагига қараганда англаб етиш мураккаброқдир. Биз ўз-ўзимизни қўрқитиб қўйиб, ҳаракатларимизда карахтлик туғдирмаслигимиз керак. Тўғри, сиёсий кўрлик хавфли нарса. Лекин даҳшат солиш ҳам жуда хавфлидир. Ҳалокат олдидан танглик юз беради, лекин биздаги танглик бошқача. У янгиликнинг дунёга келиши вақтидаги тўлғоққа ўхшайди. Шубҳасиз, у қийин, азоб билан, дард билан дунёга келади. Аҳвол қанчалик жиддий бўлмасин, иқтисодиёт, миллатлараро муносабатлар ва бошқа муаммолар юки қанчалик оғир бўлмасин, мен жамият ёки партия ҳозирги вақтда ҳалокатли танглик олдида турибди, деган фикрга қўшилмайман. Лекин агар биз ўзимиз кечикиб қолсак, яримёрти қарорлар билан чеклансак, иккиланса ёки қўрқсак танглик вужудга келади.

Мана шу мураккаб шароитда, деди сўнгра нотиқ, бизга ўртоқлик, бир-бирини тушуниш ва бир-бирини ҳурмат қилиш каби фазилатлар айниқса зарурдир. Бироқ муҳокама қилинаётган масалаларни ҳар томонлама таҳлил этиш билан бир қаторда қандайдир бақироқлик, шубҳаланиш ҳам пайдо бўлди.

Шу муносабат билан ўртоқ Бровиков нутқининг мазмунига ҳам, руҳига ҳам қўшилмаслигимни айтиб ўтишни истар эдим. Мен сизни, Владимир Игнатьевич, кўпдан бери биламан, сиз халқаро ишларни яхши биласиз. Аммо Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси халқаро майдонда қилган барча ишларни мана шундай йўл-йўлакай имо-ишоралар билан, далилларга асосланиб эмас, балки ҳиссиётга берилиб аслида йўққа чиқариб қўймоқдасиз. Ҳозир юз бераётган жараёнлар нақадар қийинлигини ўзингиз ҳам Польша мисолидан билиб турибсиз. Албатта, қайта қуришнинг ташқи сиёсат соҳасидаги натижалари ҳақида мақтов сўзлари билан, нотанқидий руҳда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Лекин бутун инсониятнинг тинч келажаги сари жуда катта сакраш юз берганлиги бутун дунёда эътироф этилган ҳақиқатдир. Бунда кимларнингдир шахсиятпарастлик билан қилган даъволарини кўриш, агар фикримга қўшилсангиз, адолатдан эмас, буни эшитиш эса — одамга алам қилади. Агар биз ҳозир партияни ким чинакам социализмнинг ҳақиқий, соф ниятли тарафдори, ким эса гўё ана шу социализмни ҳолдан тойдирмоқчи деган белгига қараб ажратадиган бўлсак, бунинг нималарга олиб келиши аён. «Бош суягини овлаш», «душманлар»ни излаш ёки уларни сунъий яратиш ҳеч қачон бирон-бир яхшиликка олиб келган эмас.

Даврнинг ўзига хос жиҳати шундаки, қайта қуриш, унинг маънавий ва сиёсий натижалари ўз умрини яшаб бўлган барча нарсаларнинг парчаланиб кетиш жараёнини жадаллаштирди, деб таъкидлади нотиқ. Лекин бизнинг сусткашлигимиз, тепсатебранмаслигимиз, хатоларимиз фаолиятсиз кучларнинг таъсири билан қўшилиб, янгиликнинг яратилишини секинлаштириб қўйди. Мана шу тафовутни жадал бартараф этишимиз керак. Тартиб ўрнатиш, қонунчиликка таяниш, лекин айни вақтда, янги ва революцион нарсаларни жадал суръатлар билан ҳаётга жорий этиш орқали бартараф этишимиз керак.

XXVIII съезд ажралиш съезди эмас, балки қайта қуриш асосида жипслашиш ва олга бориш съезди, тўпланиб қолган, портлашга олиб келиши мумкин бўлган зиддиятларни революцион йўл билан енгиш съезди бўлмоғи керак. Дастур лойиҳаси ана шундай имконият сари, тарқоқлик эмас, балки демократия асосида демократик келишув имкониятларини сари йўл очиб беради. Ана шу имкониятни қўлдан бермаслик керак — ҳозир асосий сиёсий масала шундан иборат.

Область коммунистлари, меҳнаткашлари, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Калинин область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Ф. Татарчук,** ушбу Пленумдан бундан буён қандай яшашимиз ва ишлашимиз керак, қайси йўлдан боришимиз керак, партиянинг ҳаракат дастури қандай бўлади, деган саволларга аниқ ва қатъий жавоблар кутишмоқда. Кўпгина одамларда мамлакатдаги воқеалар стихияли ривожланиб бормоқда, деган ишонч туғилди, ҳокимиятда танглик юз бергани тўғрисидаги фикрлар борган сари қатъият билан айтилмоқда. Мамлакатда тартибсизлик, интизом бўшашиб кетди, порахўрлик, ғоят қимматли табиий ресурслар билан эркин савдо қилаётган уюшган жиноятчилик мавжуд.

Сиёсий иш олиб бориш тобора қийинлашмоқда, партиямиз халқ назарида ўз обрўсини йўқотмоқда. Беш йил ичида қайта қуриш ваъзда қилган кўпгина ишлар бажарилмади.

Нотиқни партиянинг обрўси тушиб бораётганлиги айниқса ташвишлантиради. Оддий коммунистлар, партия ходимларининг фикрига таяниб, партия, совет органларининг вазифаларини белгилаб бериш юз бермади, бунинг натижасида эса партия комитетлари барча тартибсизликлар, савдодаги, медицина хизмати кўрсатишдаги, транспорт ишидаги, ҳатто вагонлардаги юкларни туширишдаги камчиликлар учун айбланмоқда, ҳолбуки ана шу масалалар совет идораларининг ҳуқуқ доирасига киради, деб ҳисоблайди нотиқ. Афсуски, шу пайтга қадар маҳаллий Советлар тўғрисида қонун, ўзини ўзи бошқариш тўғрисида қонун қабул қилинмади, маҳаллий Советлар ижроия органларининг структураси ишлаб чиқилмади. Ҳолбуки, икки ойдан кейин Совет ҳокимияти органларини тузиш керак бўлади. Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасидаги «Халқ

(Давоми иккинчи бетда).

(Давоми. Боши газетанинг 7, 8, 9 ва 10 февраль сонларида).

ҚАЙТА ҚУРИШ ЧУҚУРЛАШТИРИЛСИН, ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШИ ЯХШИЛАНСИН

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг материаллари одамларнинг онгига ва қалбига етиб борди. Пленум минбаридан айтилган фикрларнинг хилма-хиллиги, баъзан уларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги «нима қилиш керак, бундан буён қайси йўлдан ва қандай бориш керак» деган ҳаяжонли саволларни келтириб чиқармаслиги мумкин эмас. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси ана шу қийин ва айни пайтда одамлар тақдири билан боғлиқ масалаларга жавоб бериши керак, бу дастурни Пленум маъқуллади ва у матбуотда эълон қилинади.

Бироқ Пленумда бўлиб ўтган ўткир баҳсларни, фикрларнинг хилма-хиллигини, баъзан эса қарама-қаршилигини ҳисобга олганда ана шу муҳим ҳужжатда бундан буён қандай яшашимизни белгилаб берган тайёр ва шубҳасиз йўл-йўриқларни кутиш соддалик бўлур эди. Ижтимоий тузумимизнинг барча соҳаларида чуқур революцион ўзгариш жараёнлари бормоқда, Ленин ибораси билан айтганда социализмга қарашларимиз қайта кўриб чиқилмоқда, бинобарин ҳозир социализмнинг қотиб қолган схемалари мақбул келмайди. Социализм омманинг жонли ижоди сифатида революцион ўзгаришлар жараёнининг ўзида янги қиёфага кириб бормоқда. Ана шу жараённинг қандай ривожланишини буйруқ билан белгилаб берадиган ҳар қандай ақидалар бу соҳада ўринли бўла олмайди.

Октябрь ишининг, бутун мураккаб, қийин, кўпинча фожиали тарихимизнинг меросхўри ва давомчиси бўлган партия, қайта қуриш ташаббускори бўлган ва унинг тақдири учун масъул бўлган партия бундан буёнги тараққиётимизнинг энг муҳим муаммолари юзасидан аниқ мавқеда турмаслиги мумкин эмас, албатта. Бу ҳам ҳаракат дастури лойиҳасида ўз ифодасини топади. Шуниси ҳам шубҳасизки, унда қайта қуришни янада чуқурлаштириш, жамиятнинг бутун сиёсий ва иқтисодий системасини инсонга, демократияни, ошкораликни янада ривожлантиришга, федерацияни ва партиянинг ўзини янгилашга қаратиш йўли эълон қилинади. Орқага қайтиш, унитар маъмурий-буйруқбозлик системасига қайтиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Шугина эмас, Пленумда айтилган ва эҳтимол ҳаракат дастурида ўз ифодасини топган фикрлар хилма-хиллиги тараққиётимиз масалаларининг кенг умумпартия, умумхалқ, чинакам демократик муҳокамаси учун янги имкониятлар очиб беради. Эҳтимол Пленумнинг бош якуни шундан иборатки, у жамиятни ҳаяжонга солиб турган муаммолар ва фикрларнинг хилма-хиллигини акс эттириб, ҳаракат дастури лойиҳасини қабул қилиб, ана шу муаммоларни муҳокама қилишда иштирок этишга ва шу йўл билан партия XXVIII съездига тайёргарлик кўришга барча коммунистларни, барча меҳнаткашларни, бутун жамоат ҳаракатларини таклиф қилди ва бунинг учун амалий имконият яратиб берди. Бинобарин, партия жамиятнинг ғоят кенг табақалари манфаатларини, орзу-умидлари ва муддаоларини ўзида мужассамлаштиришни, амалда халқ иродасини ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Бу сиёсий парокандаликни билдирмайди. Пленумда аниқ-равшан баён этилганидек КПСС жамиятга қарши, экстремист, шовинист ва миллатчи кучларнинг ҳозирги вазиятнинг мураккаблигидан ўзларининг тор доирадаги худбинлик, амалпарастлик мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишларини, ижтимоий-иқтисодий ва миллатлараро кескинликни авж олдириб, ҳокимият тепасига чиқишга уринишларини қатъий рад этади. Бундай кучларга қонунга мувофиқ қатъий зарба берилади. Жамият революцион қайта қуришни ва демократияни экстремистларнинг ҳар қандай хуружларидан ҳимоя қилиш учун куч топа олади.

Пленум партия ва халқ ҳаётида ғоят муҳим янги даврни, яъни КПСС XXVIII съездига бевосита тайёргарлик даврини бошлаб берди. У турмушимизнинг барча масалаларини позициялар ва фикрларни ҳеч қандай чекламаган ҳолда ҳар томонлама, очиқ муҳокама қилиш учун имконият туғдирди.

Ҳозирги даврнинг илгари мисли кўрилмаган жуда катта имкониятлари ва жиддий хавфи ҳам мана шундадир. Бу фикрларни ҳалол, тўғридан-тўғри, масъулиятни ҳис этган ҳолда билдириш, барча қарашларни ҳисобга олиш ва қиёслаш, ҳозирги даврга ва келгусига мўлжалланган амалий йўналишларни ишлаб чиқиш имкониятидир. Хавф эса сафсатабозлик, социализмга қарши жазаваларнинг, жамиятга қарши ҳаракатларнинг янги хуружидир.

Шунинг учун партия, совет, давлат идораларидан ва жамоат тузилмаларидан, оммавий ахборот воситаларидан алоҳида масъулият ва фаоллик талаб қилинади. Биринчидан, ўтмишимиз ва ҳозирги давримизнинг барча муаммоларини ҳеч нарсани яширмай, энг кескин, қийин даврлар ва масалаларни четлаб ўтмай ошкора муҳокама қилиш учун ҳамма шароитни яратиб бериш керак. Шундай қилингандагина келажакка йўл очиш мумкин бўлади.

Шу билан бир вақтда ана шундай муҳокамалар шовқини ва шамолидан фойдаланиб социалистик ғоянинг ўзини илдизи билан суғуриб ташлашга, кўп миллатли давлатимизнинг яхлитлигини бузишга, партиянинг жамиятни жипслаштирувчи куч сифатидаги ташкилий ва ғоявий оёқлигига путур етказишга йўл қўймаслик керак. Рўй-ростлик ва принципиаллик, сабр-бардошлик ва қатъият, эътиборлилик ва мардлик ана шундай вазиятда бардош беришга ёрдам қилади.

Иккинчидан, ижтимоий ларзанинг, муҳокаманинг бундай ҳамма нарсани қамраб олувчи, жўшқин, лекин доимий қирраси негизида республиканинг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг барча асосий муаммолари юзасидан республиканинг ўзига хос хусусиятлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Компартиясининг позициясини ишлаб чиқиш керак. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига ўзбек халқининг, республикада яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг иродасини ифодалайдиган равшан программа билан бориш, КПСС XXVIII съездида аниқ-равшан позицияларда туриш лозим.

Шу маънода Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастури негиз бўлиши мумкин. Шу ҳаракат дастурида баён этилган республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи бошқаришини ва ўзини ўзи пул билан таъминлашини белгилашга, халқ хўжалигини структура жиҳатдан қайта қуриш, унинг хом ашёга йўналтирилганлигига барҳам бериш ва иқтисодиётни инсоннинг эҳтиёжлари ва талабларига қайта йўналтириш, меҳнатга лаёқатли барча аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аҳолининг кам таъминланган табақаларига ёрдам беришга янгича ёндашувлар, одамларнинг сиҳат-саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза этиш тўғрисида, ёшларнинг ҳар томонлама жисмоний ва маънавий камол топиши, халқнинг жуда бой тарихий ва маданий анъаналарини асраб-авайлаш ва кўпайтириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик, барча миллатларнинг яхши қўшничилиги ва ҳамкорлиги — шуларнинг ҳаммаси бўлажак мунозаралар, фикрларнинг жуда хилма-хиллиги учун амалий негиздир, албатта. Ўзбекистон Компартиясининг бу ларни ҳисобга олишга ва ниҳояда диққат-эътибор билан муносабатда бўлишга тайёрдир. Бунинг устига, ҳар қандай таклифларни ўрганиш, пайдо бўлаётган саволларга жавоб бериш учун Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎзТАГ) ҳузурида республика махсус матбуот группаси тузилди, ушбу группага оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бир қаторда партия, совет, давлат ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг обрўли ходимлари кирдилар. Шундай қилиб, ҳар қандай амалий фикрлар ва таклифлар учун йўл очиқ.

Асосий муддао шуки, одамларни ҳаяжонга солиб турган барча масалалар юзасидан кенг кўламда мунозара олиб борар эканмиз, республика аҳолисининг барча қатламлари турмушини яхшилаш билан боғлиқ бўлган конкрет, амалий вазифаларни ҳал этиш учун барча кучларни сафарбар этиш юзасидан жонли ташкилотчилик иши ва сиёсий ишнинг бир лаҳза ҳам сусайтирилишига йўл қўймаслигимиз керак. Шу йўналишда республикадаги миллионлаб кишиларга дахлдор бўлган ҳамда меҳнаткашлар маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган жуда катта тадбирлар кўрилди. Пахтага қўшимча ҳақ тўланаётгани ва пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ошириш учун қатъият билан иш олиб борилаётганлиги шулар жумласидандир. Бу — шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун қишлоқ меҳнаткашларининг томорқаси кенгайтирилаётганлигидир. Бу — кам таъминланган кўп болали оилаларга, ногиронлар ва пенсионерларга ёрдамдир. Бу — бошланғич синф ўқувчиларига, бемор ҳомиладор аёлларга текин овқат берилаётганлигидир. Бу — ётоқхоналардаги ўринлар етишмаётгани учун хусусий хонадонларда яшашга мажбур бўлган студентларга ижара ҳақи ўрнини қоплаш учун берилаётган маблағдир. Бу—шаҳарларни, жумладан Тошкентни ва қишлоқларни ижтимоий қайта қуриш тадбирларидир.

Ана шу мақсадлар учун ажратилган минглаб гектар унумдор суғориладиган ерлар ва неча юз миллион сўм бутун хўжалик ҳаётимизни қайта қуриш, одамлар турмушини яхшилаш йўлидаги жиддий, аммо биринчи қадамдир, холос. Меҳнаткашларга ёрдамчи хўжаликни юритишда, якка тартибда уй-жой қуриш учун қарз ва қурилиш материаллари олишда ёрдам бериш, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аёлларга ижтимоий кафолатларни кучайтириш, истеъдодларни рўёбга чиқариш учун ёшларнинг шароитларини яхшилашдек масалалар бир дақиқа бўлса ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Кенгроқ маънода оладиган бўлсак, мулк, пудрат ва ижара шаклларининг жуда хилма-хиллиги негизида халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш юзасидан кундалик бунёдкорлик ишини олиб бориш зарур. Ижара бригадалари ва фермер хўжаликлари эришган дастлабки натижалар — бу мўл-кўлчилик, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишнинг тўғри йўли эканлигидан далолат бериб турибди. Ижтимоий организмнинг барча бўғинларида, шу жумладан партияда демократияни кенгайтириш ва мустақилликни ошириш йўлларида сиёсий системани бундан буён ҳам такомиллаштириш керак, албатта. Жамоатчиликка қарши ҳар қандай хатти-ҳаракатни истисно этиш, чайқовчилик, порахўрлик, жиноятчиликка қарши курашни қатъият билан кучайтириш учун буларнинг ҳаммасини албатта интизомни, масъулиятни ва тартибни мустаҳкамлаш негизида ўтказиш керак.

Ана шу жараёнлар партия органлари ва партия ташкилотларини амалда янги шароитларга қўймоқда. Қайта қуриш партия органлари ва ташкилотларини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазият учун жавобгарликдан ҳоли қилмай, улардан эски маъмуриятчилик-буйруқбозлик усулларидан воз кечишни, янги, сиёсий усулларга амал қилишни талаб этмоқда. Бу осон кўчмаяпти, кўникма йўқ, ҳамма ҳам янгича сиёсий фикрлашни эгаллаб олишга тайёр эмас.

Ҳозир биз ҳаммамиз оғир имтиҳондан ўтмоқдамиз. Партия, совет, давлат, хўжалик ходимлари, жамоат арбоблари, олимлар, ижодкор зиёлилар вакиллари, коммунистлар ва партиясизлар ҳозирги авлодларидан ҳеч ким илгари сира сиёсий кураш бу қадар авж олган вазиятда яшамаган эди. Аммо ленинчи партияда шундай тажриба бор. Бу тажриба шундан далолат бериб турибдики, одамлар кўнглига йўл топган, меҳнат коллективлари билан ҳамиша маслаҳатлашиб турадиган, туҳмат ва бўҳтондан чўчимай, принципиал позицияларни ҳалол ва мардона ҳимоя қиладиган ва айни вақтда бошқаларнинг фикрини эшитиш ва ҳисобга олишга тайёр бўлган кишиларгина оғир синовлардан шараф билан чиқишга қодирдирлар. Ҳар қандай синовлар чоғида ҳам диёнатли, масъулиятли бўлган, одамларга яхшилик қиладиган ва уларга эътиборли бўлган кишилар бунга қодирдир.

Яна бир ҳафтадан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлов ишончи тўғрисидаги саволга жавоб беради. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси юзасидан бўлажак мунозара кенг демократия шароитида биз масъулиятли жипслаштирувчилик ролимизни бажаришга нечоғлик қодир эканлигимизни кўрсатади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ГРАЖДАНЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТЛАР УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, аҳоли орасида саросима солувчи иғвогарлик овозаларига чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1989 йил 21 октябрдаги «Республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, ур-йиқит қилишга ва гражданларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этувчи, шунингдек жамоат тартибига ёки одамларнинг хавфсизлигига таҳдид этувчи ёки аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган қўлёзма, босма, видеотовуш шаклидаги материалларни тайёрлаганлик ёки сақлаганлик, шунингдек уларни тарқатганлик, жумладан бундай уйдирмаларни оғзаки тарқатганлик учун икки юз сўмдан беш юз сўмгача жарима солиш ёки иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушланиб, икки ой муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ёки материалларни тайёрлаш ва тарқатиш воситаларини мусодара қилиб, ўн беш кунгача маъмурий қамоққа олиш билан жазоланади.

2. Шу мақсадларда мишмишларни ва сохта уйдирмаларни тарқатиш беш юз сўмгача миқдорда жарима солиш ёки иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан бир ой муддатгача ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёки ўн кунгача маъмурий қамоққа ҳукм қилиш билан жазоланади.

3. Ушбу Фармоннинг 1 ва 2-моддаларида кўзда тутилган ҳаракатлар бир йил давомида такроран ёки шахслар группаси томонидан содир этилса, шунингдек бундай хатти-ҳаракатларга балоғатга етмаганлар жалб этилса, беш юз сўмдан бир минг сўмгача миқдорда жарима солиш ёки иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан икки ойгача ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёки материалларни тайёрлаш ва тарқатиш воситаларини мусодара қилиб, ўн беш кунгача маъмурий қамоққа ҳукм қилиш билан жазоланади.

4. Ушбу Фармоннинг биринчи, иккинчи ва учинчи моддаларида кўрсатилган хатти-ҳаракатлар содир этилганда оғир оқибатлар келтирса, амалдаги қонунларда кўзда тутилган жиноий жавобгарлик қўлланилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 10 февраль.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Р. И. КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Рустам Иброҳимович Каримов Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 10 февраль.

• *Номзодлар ҳақида ҳикоялар*

АҲДИ ҚАТЪИЙ ЙИГИТ

Камолиддин Қамбаров колхоз аъзоларининг умумий йиғилишида кам таъминланган пенсионерларга 40 сўмдан қўшимча ҳақ тўлаш ҳақида ташаббус билан чиқди.

Колхоз ўтган йили 2 миллион сўмдан ортиқ соф даромад кўрди. Шу сабабли ҳам «Даромадга яраша — буромад» деганларидек кексаларга давлат пенсиясига қўшимча сифатида пул тарқатиш имконияти туғилди.

Бу мажлис «Қизил Юлдуз» ордени кавалери Камолиддин Қамбаровни хўжалик комсомоллари 265-Уйчи сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишганидан сўнг бўлиб ўтганди. «Ленинчи йўл» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи, иккита Ленин ва Октябрь революцияси орденларининг соҳиби Абил Сидиқов ҳам ана шу мандатга даъвогарлик қилмоқда.

Эндигина 30 ёшга кираётган Камолиддиннинг ҳаёти анча мураккаб кечди. Афғонистондаги уруш, оғир яраланиш ўз таъсирини кўрсатди. Лекин булар унинг меҳр-мурувватини, инсоний фазилатини йўқотмади. Астойдил меҳнатга, бахт-саодатга, меҳр-мурувватга интилди. Шу сабабли комсомол ишларидан ташқари райондаги байналмилалчи жангчилар кенгашининг раиси сифатида ҳам фаоллик кўрсатяпти.

— Бизнинг Уйчи районимизда болаларнинг 40 процентдан ортиғи боғчаларга жалб этилмаган, 41 мактабдан ярмидан кўпида спорт заллари йўқ, — дейди Камолиддин. — Ҳозир биз Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши ёрдамида ўсмирлар учун «Умид» спорт клуби ташкил қилиш ҳаракатидамиз. Ишсиз ёшлар билан ишлаш комиссиясини тузиш ниятимиз бор. Менинг ҳисоб-китобларимга кўра бугунги кунда районда 10 мингдан ортиқ армиядан қайтиб келган, ҳунар-техника билим юртларини битирган йигит-қизлар ишга жойлашолмай юришибди. Депутат қилиб сайланаманми, йўқми, барибир ҳамқишлоқларимнинг турмуш шароитини яхшилаш учун ҳаракат қилавераман. Посёлкаларни газлаштириш, болалар боғчалари қурилишини тезлаштириш шулар жумласидандир.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига 265-Уйчи сайлов округидан номзодлар «Ленинчи йўл» колхози бригада бошлиғи Абил Сидиқов (чапда) ва «Уйчи» колхози комсомол комитети секретари Камолиддин Қамбаров.

А. КОВТУН сурати (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА МУЗОКАРАЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

депутатлари Советлари» деган бўлимни жиддий тарзда мустаҳкамлаш керак, деган фикрни билдирди. У мана шу ва бошқа маҳаллий Советларнинг зарур қонун ҳужжатлари яқин вақт ичида қабул қилиниши учун махсус ишчи группаси тузиб, унга тажрибали совет ходимларини киритишни таклиф қилди. Шундай қилинса, деб ҳисоблайди область партия ташкилотининг раҳбари, Советлар халқнинг иродасини изчил ифода этувчи чинакам тўла ҳуқуқли органларга айланади, давлатни бошқариш тизгинларини ўз қўлида тўплайди. СССР Министрлар Совети, унинг ишчи органлари, айниқса министрликлар ва идоралар ҳамда энг аввало Давлат план комитети билан Моддий-техника таъминоти давлат комитетининг мавқеи ва имтиёзлари ҳам мустаҳкамланмоғи керак.

Шундан сўнг область комитетининг секретари Озиқ-овқат программасини амалга ошириш вазифаси юклатилган бир қанча идоралар-нинг тугатилиши тўғри бўлганлигига шубҳа билдирди. Бундан бир йил аввал Марказий Комитетнинг март Пленуми бўлиб, у ана шу соҳадаги асосий йўналишларни белгилаб берган эди. Агросаноат комплексига устунлик бериш учун амалда нима ишлар қилинди, деб сўради у ва ўзи бунга жавоб берди: молиявий ва бошқа масалалар ҳал қилинмади. Ҳолбуки, бугун одамларнинг кайфияти, уларнинг партияга муносабати одамлар озиқ-овқат билан ва энг зарур товарлар билан қанчалик аниқ, қайси муддатларда таъминланишига бевосита боғлиқдир.

Ҳозирча эса, қайта қуришнинг бешинчи йилида биз фақат вазиятнинг кескинлашаётганлигини айта оламиз, холос. Биз бу йил 66 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарамиз, 1990-1991 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча кўпаяди, деганимизда бизга ишонишмаяпти.

Нотиқнинг фикрича, ҳозир иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда изчил иш тутмаслик чуқурлашиб бормоқда, марказий органларнинг роли ва масъулияти очиқ-дан-очиқ бўшашиб кетган. Ҳаракат дастури лойиҳасида бундай деб ёзиб қўйилган: партия иқтисодиётни истеъмол сектори фойдасига структуравий қайта қуриш тарафдори. Лекин иқтисодиётни истеъмол бозори фойдасига ва энг аввало, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш фойдасига яқин йиллар ичида қайта қуриш қандай ва қайси йўллар билан, қайси муддатларда аниқ амалга оширилиши белгиланмаган.

Сиёсий ирода соҳиби бўлган бизнинг партиямиз янада қатъият билан ҳаракат қилиши мумкин ва ҳаракат қилиши керак. Бугун унинг сафлари ҳар қачонгидан ҳам жипслашган ва яқдил бўлиши, унинг органлари сиёсий ва социал жиҳатдан ҳимояланган бўлмоғи керак. Вазият мамлакатда тартиб ўрнатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Қайта қуриш қўлга киритган қадриятлардан воз кечмаган ҳолда ўзларини «халқ ҳомийлари» деб атаб, аслида вазиятни барқарорликдан чиқараётган ҳаракатлар, уюшмалар ва фронтларнинг фаолиятини баҳолайдиган, зарур ҳолларда эса унга чек қўядиган вақт келди. Ниҳоят, давлат ва меҳнат интизомининг бўшашиб кетишини қатъиян тўхтатиш керак.

Пленум иштирокчисининг сўзларига қараганда, Совет Армиясидаги партиявий ишнинг ҳолати ҳам сиёсий баҳолашни талаб қилмоқда. Бу ерда аҳвол яхши эмас. Шу муносабат билан Язов ва Лизичев ўртоқлар шанига жуда кўп танқидий фикрлар айтилмоқда.

• Калинин области коммунистлари номидан нутқда конкрет таклифлар. хусусан XXVIII съездни фавқулодда съезд, деб атаб, шу йилнинг июнь-июль ойларида ўтказиш ҳақида таклиф киритилди. Область коммунистлари XXVIII съездга қадар Бутунроссия партия конференциясини чақириш зарур, у Россия партия органининг тузилишини белгилаши ва ҳал қилиши керак, деган фикрни ёқладилар.

Вазиятни кескинлаштирмасдан, ўйлашимча, ҳозир гап социализмни, коммунизмни ёки яна қандайдир «...измни» қутқариб қолиш ҳақидагина бораётгани йўқ. Ҳозир гап тўғридан-тўғри ўз халқимизни, ўз миллатимизни қутқариб қолишимиз кераклиги ҳақида бормоқда. Албатта, мен бутун буюк мамлакатимизнинг ҳамма халқларини назарда тутаман, деди СССР Фанлар академияси иқтисодиёт бўлимининг академик-котиби вазифасини бажарувчи **С. С. Шаталин.**

Унинг фикрича, ҳаракат дастурига бериладиган умумий баҳо танқидий бўлмоғи керак. Ҳаракат дастурида «Византия йўллари», фикрни очиқ айтмаслик ҳоллари ҳаддан ташқари кўп. Унда ўзини рўёбга чиқариш механизми йўқ, унда ҳаракат йўқ. Ҳаракат дастурида унинг декларацияларини реал амалга ошириш мумкинлиги исбот қилинмаган. Ҳаракат дастурида асосий тушунчаларга аниқ таърифлар берилмаган. Шулардан энг муҳими — социализм тушунчаси. Аммо социализм нима — ҳозир ҳаракат дастурида бу нарса йўқ.

Дастурнинг бир қанча жойлари узуқ-юлуқ қилиб, шикоятомуз қилиб, кўпинча билимсизлик билан ёзилган. У барча коммунистларнинг ақлий куч-қудратини умумлаштирган эмас. Нотиқ Москвада 20—21 январда бўлиб ўтган партия клублари ва партия ташкилотлари Бутуниттифоқ конференциясининг ҳужжатларига асосланиб, ҳозир ҳар бир коммунистнинг ақлий куч-қудрати бебаҳодир, биз ҳаракатимизда мавжуд бўлган барча соғлом нарсалар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига чуқур асослаб ёзилган ҳаракат дастурида ўз аксини топиши учун ҳамма ишларни қилишимиз керак, деб таъкидлади.

Ҳаракат дастурида сиёсий жиҳатдан ўзига бино қўйиш, КПССнинг монополизми кўпроқ. Ҳолбуки, у бунга муҳтож эмас. Дастур КПССнинг социал демократияга муносабати ҳақидаги фундаментал муаммони ўртага қўйгани ҳам йўқ. У «социал демократик» ва «коммунистик» социализмнинг бир-биридан ажралиши тафсилотлари ҳақидаги масалани «яшириб қўйди».

Дастурда социал демократия сиёсий демократия, ижтимоий адолат ва иқтисодий самарадорлик муаммоларини халқнинг социал ҳимояланганлиги, солиқ солишнинг прогрессив системаси, эркин соҳибкорлик асосида кўп жиҳатдан ҳал қилганлиги ҳақида лом-мим дейилмаган. У бошқа «социализмга» — национал-социализмга-фашизмга ўз муносабатини билдирмаган, великорус шовинистлари Россия заминида национал социализмни қайта тиклашга қарор қилганликларини эътироф этмаган. Нотиқ Россия Компартиясини тузишга қарши ва Россия Фанлар академиясини ташкил этишга қарши фикр билдирди.

У дастур регионал хўжалик ҳисоби тўғрисидаги масалани конструктив қилиб қўймаган, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, регионал хўжалик ҳисобининг иқтисодий жиҳатдан бемаънилиги иқтисодиётдан юзаки хабардор бўлган одамга ҳам аён. Дастур кўп партиялилик —баҳолардан асрагувчи эмас, деб тўғри таъкидлайди. Лекин бир партиялилик ҳам террордан, ўз халқига қарши жиноятлардан, жамиятнинг айнишидан сақлаб қолмаслиги унутилган. Исбот қилинган ҳақиқатга қарамақарши ўлароқ, дастур қайта қуришни бутун КПСС бошлади, деб даъво қилади. Нотиқнинг фикрича, бу ҳақиқатга мос эмас. КПСС эмас, балки КПССдаги илғор кучлар ўзгаришлар жараёнини бошлаб беришди.

Агар, деди академик, мендан ҳозир КПССни, давлат ҳокимиятини обрўсизлантириш учун яна нима қилиш керак, деб сўрасалар, мен иқтисодчи, математик сифатида, партия органлари ва бошқа ҳокимият органлари ходимлари иш ҳақини ошириш кераклигига ақлим етмаган бўлар эди. Ўйлайманки, бу хатони тузатиш керак.

Ишчилар синфининг ҳам, бошқа аҳоли қатламларининг ҳам, яъни бутун халқнинг манфаатларини акс эттирадиган партияни ўйлаб топиш мумкин эмас. Бундай партия йўқ. Дастур эса бунга ҳатто шубҳа билдирмайди ҳам. Академик дастурда ёзиб қўйилган «Бутун ҳокимият— Советларга, ер — деҳқонларга, фабрикалар — ишчиларга» деган тезисни келтириб: «Зиёлиларга нима бериш керак?» деб сўради. У бундан кейин партияни ҳам, жамиятни ҳам парчалаб юборадиган шиорларга қайтмасликка даъват қилди.

Нотиқ кеча сўзга чиққан СССРнинг Польшадаги элчиси В. И. Бровиковга мурожаат қилди. У В. И. Бровиковнинг нутқини ҳар жиҳатдан беадаблик, деб атади.

Мутлақо янги, дадил сиёсий ғояларнинг келиб туриши ва уларни рўёбга чиқариш, изчиллик ва мустаҳкам ирода, демократиялаш ва жамоатчилик онгини эркинликка чиқариш — Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Г. Г. Гумбаридзе**нинг фикрича, бугун ана шулар зарурдир. У республика Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми ҳақида ахборот бериб, пленумда Грузия Компартиясининг XXVIII съездини ўтказиш муддатларини апрель ойига кўчиришга, унда Грузия Компартиясининг мустақиллигини таъминлаш, унинг ҳуқуқий, ижтимоий, Конституцион статуси ҳамда унинг миллий сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий ва ижтимоий масалаларини ҳал қилишдаги, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришдаги роли масалаларини кўтариш ва муҳокама қилиш ҳақида қарор қабул қилинганлигини айтиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастурининг лойиҳаси ана шу муаммолар бутун партиямиз учун ғоят муҳим эканлигига яна бир бор ишонтирмоқда, деди нотиқ. КПССнинг келажакдаги обрўси, жамиятни ва партиянинг ўзини янада янгилаш суръатлари ана шу муаммоларни ҳал қилиш билан боғлангандир. Дастурда таклиф этилаётган партиянинг раҳбар органларида ташкилий-структуравий сифат ўзгаришлари, уларнинг, шубҳасиз, партиядаги демократик жараённи чуқурлаштиришга интилишни акс эттириши ҳам, ҳужжатда илгари сурилган умуминсоний ҳамкорлик даражасигача кўтарилган жипслашиш принциплари ҳам қатъият ва сиёсий новаторликнинг белгисидир. Совет раҳбариятининг ташқи сиёсат соҳасидаги янги тафаккури казарма социализмидан фарқли ўлароқ дастурда эълон қилинган инсонпарвар демократик социализм принципларига содиқликни тасдиқламоқда. Бироқ худди шундай изчиллик ички ишларда ҳам, шу жумладан партиянинг ичидаги жараёнларда ҳам ғоят муҳимдир. Бу жараёнлар объектив куч касб этди ва муттасил таҳлил қилишни, фикрлашни, сиёсий жиҳатдан олдиндан кўра билишни ва ҳис этишни талаб қилмоқда. Нотиқ партияни янгилашга нималар халақит бераётгани ҳақида фикр юритиб, партия юқори қатламларининг эскириб қолган идрок қилиш усулларини охиригача тугатиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Кўп йиллар давомида, деб таъкидлади у, партия органларининг масъулияти аслида уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишдангина иборат бўлиб келди. Сиёсий ва шахсий қулайликлардан маҳрум бўлиш осон эмас, лекин ҳаёт ва фикрлашнинг демократик тартибини табиий қабул қилиш ҳар бир раҳбар-коммунистнинг шахсий маслагига айланмоғи керак.

Партиянинг ҳаракат дастурида, деди сўнгра нотиқ, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, кўп партиялилик сингари ҳаётнинг реал воқеликлари янада аниқроқ акс эттирилган бўлиши керак. Унинг фикрича, партия муҳитида миллий ўз-ўзини ифодалаш ва ўз ўрнини аниқлаш доираларини белгилаб берувчи баъзи таърифлар ана шу омилни етарли даражада ҳисобга олмайди. Амалиёт шундан дарак берадики, иттифоқдош республикалар Компартияларининг янги ижтимоий-сиёсий кучлар орасида ҳаммадан кўра сезиларли роль ўйнаётган миллий ҳаракатлардан ажралиб қолиши партия ташкилотларининг яккаланиб қолишига, сиёсий ташаббусни қўлдан беришига олиб келиши мумкин. Ҳаракат дастурида белгилаб қўйилган синфий манфаатларни умумхалқ ва умуминсоний қадриятларга қарамақарши қўйишдан воз кечиш уларни миллий манфаатларга қарама-қарши қўйишдан воз кечишни ҳам англатиши керак.

Маълумки, биз халқларнинг тарихий ўтмишидаги, уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлари, иқтисодиёти ва маданиятининг ривожланиш даражасидаги, тарихий анъаналари ва миллий тилларни қўллаш қўламидаги, ўнлаб эсрлардан буён давом этиб келаётган давлатчилик соҳасига доир тажрибасидаги тафовутларни инкор этмаймиз, деди нотиқ. Бир-бирига ўхшайдиган чора-тадбирлардан воз кечиш Пленумга тақдим этилган ҳужжатда ҳам ўз аксини топган. Бироқ ана шу принциплар тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш чоғида ҳам жиддий ҳисобга олиниши жуда муҳимдир.

Давлат қурилишининг сталинча унитар моделидан чинакамига воз кечиш, ҳаракат дастурида баён этилганидек, миллий-давлат тузилмаларига турмушни ташкил этишнинг шаклларини танлаб олиш эркинлигини амалда бериш учун биз коммунистларга кенг қўламда ижодий танлаш имконини беришимиз, республикаларнинг Компартияларини кераксиз чегараловчи доираларга солиб қўймаслигимиз керак. Уларнинг мустақиллик даражаси улар сиёсий обрў-эътиборни ва жипслаштирувчи вазифаларни сақлаб қолишнинг амалдаги шарт-шароитлари билан белгиланишига асосланиш энг мантиқий иш бўлади.

Биз ўзимизда ҳамкасбларимиз ва партиядош ўртоқларимизга ҳурмат билан қарашни тарбиялашимиз, сиёсий сабр-тоқатли бўлишга ўрганишимиз, ўз хулосаларимизни ишончли далиллашга ўрганишимиз керак. Бир-бирига ишонч — бу ҳам партия ичидаги муносабатларни демократиялашнинг омилидир.

Миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш уларнинг асосий принципларини ҳам, шунингдек конкрет қонун ҳужжатларини ҳам ишлаб чиқиш чоғида ҳуқуқларни марказдан иттифоқдош республикага, иттифоқдош республикадан автономияга беришда изчилликка қатъий риоя этилишини талаб қилади. Республика ҳақиқий суверенитетининг моҳияти ана шундан иборатдир.

Грузияда грузинлар ва абҳазлар, руслар ва осетинлар, греклар, қурдлар ва яҳудийлар, бошқа халқларнинг вакиллари билан бирга ярим миллионга яқин арман ва 300 мингдан ортиқ озарбайжон яшайди. Кавказ-орти қардош республикаларида юз бераётган воқеалар бизни ҳам қайғуга солмоқда, бизга ҳам қаттиқ азоб бермоқда, деб таъкидлади биринчи секретарь. Булар бизнинг муштарак ҳаётий муҳим муаммоларимиз бўлиб, уларни ҳал этиш учун ҳамкорлик қилиш, регионда миллий тотувлик ва тинчликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, мураккаб муаммоларни ўртоқларча муҳокама этиш ва уларни ҳал қилиш йўлларини излаш зарурдир. Бугун, қайта қуриш учун бурилиш нуқтаси бўлган мураккаб вақтда қадимий ва ҳозирги замон тарихининг муқаддас ютуқларини, инсонларча самимийлик ва саховат анъаналарини, тинчлик ва бир-бирини тушунишга интилишни, барча халқлар ўртасидаги ҳурматни авайлаш зарур.

Партия XXVIII съездига сиёсий ҳаракат дастурини умумхалқ муҳокамасига олиб чиқишни барча совет кишилари кутишмоқда, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси **В. А. Крючков.** Бошимиздан кечаётган танглик пайтида унинг жамиятга жипслаштирувчи таъсир кўрсатиши ғоят муҳимдир. Жамиятимиздаги барча соғлом кучларни бунёдкорлик мақсадларига эришишга жипслаштириш — партиянинг ҳозирги босқичдаги асосий вазифасидир.

Қайта қуриш бизга керак. Сиз билан биз гувоҳи бўлиб турган социалистик мамлакатлардаги воқеалар биз жамиятни революцион тарзда янгилаш шиорини илгари суриб, тўғри иш қилганимизга яна бир бор ишонтирмоқда.

Амалда биз сиёсий кураш даврига қадам қўйдик, бу курашда бизнинг кўпгина мухолифларимиз ҳар қандай усулларни ишлатишдан ҳам тойишмаяпти. Миллий-давлат тузилмалари, меҳнат коллективлари, ёшлар муҳити, оммавий ахборот воситалари кураш майдонига айланиб қолмоқда. Биз бундай курашга тайёрланмаган эканмиз.

Кейинги вақтда сўл радикал, социал-демократик кучлардан тортиб то ошкора миллатчи, ғайрикоммунистик ва ҳатто монархистик тусдаги турли кучларнинг мафкуравий қиёфаси аниқ кўриниб қолди. Уларнинг кўплари бузғунчилик, ғайрисоциалистик йўсиндаги фаолиятлари билан бир-бирларига ўхшаб кетади. Агар улар илгари қайта қуриш шиорига мослашган бўлсалар, ҳозир, аслида, КПСС сиёсатини рад этмоқдалар ва очиқ-дан-очиқ ҳокимиятни босиб олишга интилмоқдалар. Маънавий террор, совет, партия ходимларидан жисмоний ўч олиш билан таҳдид қилиш ишга солинмоқда. Аниқ мақсадни кўзлаб туриб, партия, ҳокимият органлари, қуролли кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар обрўсизлантирилмоқда. Улар миллатчилик ҳиссиётларини авж олдиришни, оммавий ғайриқонуний ҳаракатларни келтириб чиқаришни, давлат ҳокимиятини бўшаштиришни ўз мақсадларига эришиш усули сифатида танлаб олдилар.

Экстремистларнинг таъсири остида, деб эслатиб ўтди нотиқ, Арманистон, Озарбайжон, Тоғли Қорабоғ аҳолиси кучли асабийлашиш ҳолатига олиб борилди. Миллатчилик алангаси шунга олиб келдики, инсон ҳаёти чегарасиз сиёсий даъволарга қурбон қилинди. Ўз халқларининг тақдири, мамлакат манфаатлари унутиб юборилди. СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси ушбу регионда сўнгги пайтларда юз берган воқеаларни батафсил таърифлаб, Совет-Эрон чегарасининг Озарбайжон қисмидаги ишларнинг аҳволи учун танқидга жавоб берди. Чегарадаги тартибсизликларни Бокудаги халқ фронтининг етакчилари бошқариб турганлиги ҳақида инкор этиб бўлмайдиган маълумотлар олинганлигини маълум қилиб, у бундай деди: ҳозирги вақтда Давлат хавфсизлиги комитети Совет Иттифоқининг чегараларидаги аҳволни чуқур тадқиқ этмоқда. 1990 йил мобайнида чегарани қўриқлашнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилади. Бу концепция Совет Иттифоқининг хавфсизлик манфаатларини ҳамда чегара яқинидаги зонада яшаётган аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини мумкин қадар кўпроқ ҳисоба олади.

Қайта қуриш, унинг ғоялари, уни амалга ошириш усуллари — булар тартибсизлик чиқариш учун, масъулиятсизлик ва анархия учун имконият дегани эмас, асло. Бу экстремизм, шу жумладан сиёсий экстремизмнинг юзага чиқиши мумкин эмаслигини ҳам англатади. Равшанки, экстремистларни панд-насиҳат билан тинчлантириб бўлмайди. Бундай насиҳатлар уларнинг ғазабини янада қўзғатади, холос. Бизларнинг ҳаммамиз муаммоларни, шу жумладан социал жиҳатдан кескин муаммоларни ҳам ҳал қилишнинг сиёсий усуллари тарафдоримиз. Лекин агар бу воситалар етарли бўлмаса, зўравонлик куч ёрдамида тўхтатилмоғи керак. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўз вазифаларини бажаришмоқда. Бироқ бир томондан, кўпинча уларнинг қатъиятсизлиги ва уқувсизлиги, иккинчи томондан эса — тегишли қонунлар, шу жумладан жиноят қонунлари ҳам йўқлиги ушбу идоралар ишини ҳозирча қониқарсиз қилиб қўймоқда. Сусткашлик аҳволни чигаллаштириши, янги қурбонларга ҳамда ўз қўлами жиҳатидан жиддий иқтисодий зарарларга олиб келиши мумкин, холос. Бир қанча регионларда аҳвол йўл қўйиш мумкин бўлганига нисбатан анча жиддийлашган. Совет ҳокимиятининг 80-йилларига ўтилганида мамлакатимизда юз минглаб қочоқлар — бахтсиз, бебаҳра кишилар пайдо бўлишди. Бизга экстремизм йўлига ўтадиган ёки унга ундайдиган ташкилотлар фаолиятини тақиқлаб қўйишга имкон берадиган қонун керак, деди СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси. Қонундан ташқари чиқадиган ва жамиятга беқарорлик, сиёсий, маънавий-аҳлоқий, миллий душманликни, зўравонлик усулларини олиб кирадиган ҳар қандай гуруҳларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш учун ҳокимият ўз кучини ва ўз ихтиёридаги имкониятларни ишлатиши керак.

Давлат хавфсизлиги органларига ҳуруҳлар кучайганлиги ҳақида гапириб, у қонун ва ҳақиқат чекистлар ҳаётининг нормасига айланиб қолди, биз органларнинг тарихидан зарур хулосалар чиқариб олдик ва олган саболимизни унутмоқчи эмасмиз, деди. Шу билан бирга нотиқ бир қанча камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди: бизда қатъият етишмаётир, усталик, сиёсий воситалар билан самарали кураш олиб бориш қобилияти етишмаётир.

Нотиқ Ғарбдаги ривожланган мамлакатлар демократиясини эркинликнинг намунаси, деб далил келтираётганлар билан баҳслашиб, Ғарбдагилар демократияни тартибни таъминлайдиган ҳокимиятсиз, шу жумладан етарли даражада кучли, президентлик ҳокимиятисиз тасаввур қилмайдилар, деди.

Яқинда бир телекўрсатувдан, деб давом эди у, сиз билан биз бир ўртоғимиз озодлик ҳайкали атрофидан икки марта айланиб ўтиб, дарҳол икки баравар озод бўлиб қолганлиги ҳақидаги ғалати воқеани кўрдик. Ана шу муносабат билан шуни айтмоқчиманки, агар у яна икки марта айланса, бунинг устига, бир оз юқорига кўтарилса ва эътибор билан кўз ташласа эди, турган гапки, Америка Қўшма Штатларига демократия қандай воситалар билан ва қай тарзда таъминлаб турилишини пайқаган бўларди. Мамлакат ичида жамоат хавфсизлигини сақлаб туриш учун АҚШда деярли 600 минг кишидан иборат миллий гвардия мавжуд. Бу гвардиядан оммавий тартибсизликлар, зўравонликларга чек қўйиш учун бир неча бор фойдаланилган.

Демократияни ривожлантиришда шубҳасиз, маълум марраларни қўлга киритган бошқа бир Ғарб давлати — Англияда ҳам зўрликлар бўлиб туради. Биз ҳақиқий демократия тарафдоримиз, бизнинг совет кишиларининг тинчлиги ва осойишталиги тарафдоримиз, биз жамоат тартиби тарафдоримиз, одамлар қўрқув билмасдан яшашлари ва ҳамма муаммолар, ҳатто энг оғирлари ҳам ҳақиқий демократия ва озодлик шароитида сиёсий воситалар билан ҳал қилинишининг тарафдоримиз, деб таъкидлади нотиқ.

У таклиф этилган ҳаракат дастури лойиҳаси ҳақида ўз фикрини билдириб, уни коммунистлар ва барча совет кишиларининг ҳозирги тарихий даврда жамиятни ривожлантириш йўллари ҳақида фикр юритишлари учун имкон берадиган яхши конструктив негиз, деб топди. Ҳеч қандай оппозициячи куч ҳозирча митинглардаги шиорлардан ташқари умуман яхшироқ ҳаракат дастурини таклиф қилаётгани йўқ.

(Давоми учинчи бетда).

С. Д. НИЕТУЛЛАЕВ нутқи

Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари

Ҳурматли ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг мазкур Пленуми партиямиз учун жуда мураккаб ва масъулиятли даврда ўтмоқда, чунки кўпгина ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни аслида танг аҳволга солди. Закавказье, Болтиқбўйи республикаларидаги вазият Қорақалпоғистон коммунистлари, меҳнаткашларини тобора кўпроқ ташвишга солмоқда. Миллий нифоқнинг авж олиши, шафқатсиз зўравонлик ва жаҳолатпарастлик фактлари айрим районларда совет қонунларининг оёқости қилиниши, давлат чегарасидаги тартибсизликлар — буларнинг ҳаммаси мамлакат ва социализм тақдири учун хавфли бўлган жараёнларни аниқ-равшан кўрсатди, бу шундан далолат бериб турибдики, қайта қуриш душманлари демократияни бебошликка айлантиришга уринмоқдалар ва баъзан муваффақиятга ҳам эришмоқдалар. Аҳволни нормаллаштириш учун КПСС Марказий Комитети, Олий Совет ва мамлакат ҳукумати яна ҳам қатъият билан таъсирчан чоралар кўришлари керак.

Бу ҳақда гапираётганимизнинг боиси нимада? Бунинг сабаби шундаки, ҳамма ерда ҳам демократиянинг асл маъносини тўғри уқиб олишгани йўқ, демократияни, яъни халқ ҳокимиятини баъзи кимсалар оломон ҳокимиятига, ўзбошимчаликка айлантиришни истамоқдалар. Назаримизда, бундай ҳодисаларнинг сабаби шундаки, бюрократик-маъмуриятчилик системасига хос бўлган қонун олдида ваҳимага тушишни биз жамият ҳаётининг ҳуқуқий нормаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга ҳозирча айлантира олмадик.

Дарҳақиқат, миллатчилик кўринишлари фактлари социализмга қарши бўлган шиорлар билан ошкора чиқишлар, ижозат берилмаган митинглар кўп бўлди. Аммо мамлакатнинг бир қанча регионларида бундай ҳолларга зарур тарзда зарба берилмади. Бу эса ўзбошимчалик туйғусини мустаҳкамлади. Афсуски, ана шундай шароитда қайта қуришга ҳалал бераётган кимсаларни ижтимоий жиҳатдан қоралашдек зарур вазият вужудга келтирилмади. Биз ошкоралик тарафдоримиз. Лекин бирёқлама ошкораликка қўшилиб бўлмайди, чунончи, оммавий ахборот воситалари СССРнинг Давлат байроғи ва Владимир Ильич Ленининг портретлари оёқости қилинаётганини «шавқ билан» бор бўйича кўрсатаётган эканлар, бунга сира қўшилиб бўлмайди, айни вақтда ўша ахборот воситалари бундай фактларга ўз муносабатларини билдиришга уринаётганлари ҳам йўқ. Буларнинг ҳаммаси, шунингдек, тарғибот, мафкуравий, ташкилотчилик ишидаги нуқсонларимиз ижтимоий-сиёсий вазиятни ёмонлаштирмоқда.

Шунга аминманки, агар биз тарихий ташаббусни яна қўлга олмасак, партиядаги танглик муқаррар тус олади. Одамлар бугунги Пленумимиз қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастурини кутиб туришибди.

Ҳаракат дастурининг қоидалари назарий жиҳатдан мавҳум бўлмай, воқеликни ҳисобга олиши, ҳаёт талабларига жавоб бериши, партия ва жамиятни янгилашдек жуда ўткир масалаларда КПСС Марказий Комитетининг позициясини аниқ-равшан ифодалаши керак. Лойиҳа ана шу талабларга жавоб берадими? Айтишим керакки, лойиҳанинг барча бўлимлари ҳам бу талабларга жавоб беради, деб бўлмайди. Шу боисдан ҳам кўриб чиқилаётган масалалар хусусида айрим мулоҳазаларни айтмоқчиман.

Аввало, Қорақалпоғистон область партия ташкилотининг барча коммунистлари номидан шуни айтмоқчимизки, биз ҳозир жамиятни жипслаштиришнинг, Иттифоқ давлатини сақлаб қолишнинг энг муҳим омили бўлган партия бирлигининг собитқадам тарафдоримиз.

Ҳозир бу тушунчалар янги мазмун касб этмоқда. Бизга республикаларнинг янгиланган федерацияси зарурлиги равшандир, ушбу федерацияда миллий манфаатлар, албатта, ҳисобга олиниши, миллатларнинг ўзига хослиги ҳурмат қилиниши, ҳар бир миллатнинг тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилиши керак. Келинг, ҳаракат дастури лойиҳасининг 5-бўлимида ана шу мазмун нечоғли теран ифода этилганлигига назар ташлайлик. Бир томондан миллатлар ва миллатлараро муносабатларни ривожлантириш масалаларида озод ва тенг ҳуқуқли халқларнинг федерацияси сифатида мамлакатнинг яхлитлигини сақлаб қолиш принципи асосий принциплардан бири қаторида таъкидлаб ўтилган.

Иккинчи жиҳатдан эса совет федерациясининг ўзгариши иттифоқдош республикалар билан шу республикаларнинг муштарак тузилмаси бўлган Иттифоқ ўртасида энг мақбул алоқаларни ўрнатишга йўналтирилган бўлиши керак. Модомики шундай экан, тенг ҳуқуқлилик қайда қолди, бу ҳолда ҳаракат дастури лойиҳасида ёзиб қўйилган Миллий автономиялар барча турларининг мустақиллиги янги даражасининг моҳияти, автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округлар мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳуқуқларини кенгайтиришнинг моҳияти нимада? Тўлақонли автономия ҳуқуқига эга бўлган кам сонли халқ дейилганида ким назарда тутилмоқда? Автономиянинг тўлақонлиги нимада? Бу шунчаки саволлар эмас ва биз жавобларни биргаликда, кўплашиб қидиришимиз керак.

Ҳаракат дастури лойиҳасида қуйидагиларни ёзиб қўйишни таклиф этаман: автоном республикалар улар Конституциясида ёзиб қўйилганидек, Совет Социалистик давлатлари сифатида иттифоқдош республикалар қаторида федерациянинг субъектларидир ва ССР Иттифоқи тўғрисидаги янги шартномани ишлаб чиқишда қатнашадилар.

Партия қайта қуришда етакчилик позицияларини сақлаб қолмоғи учун, доклада айтилганидек, партиянинг янги Уставини, кейинчалик эса Программасини қабул қилиш керак, ушбу ҳужжатлар жамиятда КПССнинг ўрни ва роли тўғрисидаги бизнинг бугунги тасаввуларимизга мос бўлиши, воқеликнинг реал аҳволига жавоб бериши лозим. Бизнинг муштарак программавий мақсадларимизгина партиямизнинг бирлигини таъминлаши мумкинлиги равшандир.

Айни вақтда иттифоқдош республиканинг ҳар бир Коммунистик партияси ва автономиянинг партия ташкилоти бу мақсадларга эришиш учун ўз сиёсатини конкрет ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий анъаналарни ҳисобга олиб қуриши лозим.

Автоном тузилмалар сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун тузилаётган механизм, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий соҳага раҳбарликнинг умумий принципларини тартибга солиб туриш автоном тузилмаларнинг партия ташкилотлари ва комитетларнинг мақомини ҳам белгилаб қўйишни талаб этади.

Назаримизда, КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурида маҳаллий масалаларни ҳал этишда автоном республикалар партия комитетларининг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш масалалари ҳам акс этиши керак. Норма белгилаб қўйилиши ва уларга иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари составига ўз вакилларини бевосита юбориш ҳуқуқи берилиши керак.

Партия ички ҳаётининг асосий принципи — демократик централизм принципи бузилаётгани хусусида ҳозир жиддий мулоҳаза юритишга тўғри келмоқда. Аслида кўп жиҳатдан бу принцип фақат партиядагина эмас, давлат ҳаётининг бошқа барча соҳаларида ҳам бюрократик централизм принципига айланди.

Орол фожиаси ана шундай централизм ва ана шундай қарорларнинг ёркин мисолидир. Аслида бир авлод ҳаёти даврида денгиз акваториясида аввалги сувнинг бор-йўғи учдан бир қисми қолди, холос. Денгиз тубининг қариб уч миллион гектари ер юзасига чиқиб қолди, бу ердан ҳар йили шамол неча юз миллионлаб тонна қум ва тузни учириб кетмоқда. Амударёга даладан чиққан зовур-дренаж сувларининг ҳозир ҳам оқизилаётгани оқибатида дарё сувининг сифати ниҳоятда ёмонлашди. Бу сув эндиликда фақат техникавий мақсадлар учунгина яроқлидир. Оролбўйи аҳолиси шу сувни ичишга мажбур бўлмоқда. Ернинг унумдорлиги пасаймоқда, вазият амалда инсон назоратидан чиқиб кетди.

Бу ҳақда гапираётганимнинг боиси шундаки, Оролбўйидаги экологик вазиятни соғломлаштириш, аввало, региондаги сиёсий барқарорликнинг кафолатидир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Оролбўйи республикаларидаги экология вазиятини тубдан яхшилаш хусусида маълум қарорни қабул қилганидан кейин халқнинг руҳи тетиклашди, аммо шу қарорни амалга ошириш чоғида одамлар кўнглида ҳукумат ҳужжатининг кучқудрати, узоқ муддатга мўлжалланган фаразларни ҳисобга олиб, мазкур ҳужжатнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги хусусида шубҳа пайдо бўла бошлади. Ўзбекистон, жумладан, Қорақалпоғистон АССРдаги суғориладиган деҳқончилик минтақаси учун бу сира жўн масала эмас.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси шунга олиб келдики, Қорақалпоғистон аҳолиси таркиб топган турмуш тарзи, анъанавий машғулотидан маҳрум бўлди, балиқчилик ва кема қатнови барҳам топди. Мўйначилик инқирозга учради. Чорвачиликнинг табиий озуқа базаси кескин ёмонлашди ва қисқарди. Ўша буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси регион аҳолисининг ёрдам сўраб қилган илтижосига қулоқ солмади. Фақат қайта қуришгина жим туриш пардасини очди.

Сўнгги йигирма йил мобайнида Қорақалпоғистон АССРда болаларнинг ўлими икки баравар кўпайди. Ўтган йили ҳар мингта чақалоқдан 51 нафари нобуд бўлди, бу мамлакатдаги кўрсаткичдан қариб икки баравар кўпдир; Ҳам болалар, ҳам катталарнинг учдан икки қисми сиҳат-саломатлигига катта путур етган. Фақат сўнгги йилдагина сариқ касалига чалиниш 2,3 баравар кўпайди. Бола

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА МУЗОКАРАЛАР

(Давомн. Бошн иккинчи бетда).

СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси ўз нутқини тугаллар экан, баъзи бир бошқа нотиқлар сингари партия аппарати ва «партия аппаратчилари» ҳақидаги масалани кўтарган Донецклик кўмирчи К. Г. Фесенкога мурожаат қилди. Жамиятни тўлдириб юборган, удум бўлиб қолган партия аппаратини ва у билан бирга унинг барча ходимларини асоссиз айблашга қарши сўз айтмоқчиман. Бунинг учун асос йўқ! Партия аппарати ходимларининг кўпчилик қисми — яхши тайёрланган, ўқимишли, тажрибали ўртоқлар ва энг муҳими, улар ҳалол одамлар. Улар ўзларини батамом шу ишга бағишламоқдалар. Улар ўз курсиларига маҳкам ёпишиб олганлар, бу курсини ҳеч кимга ҳеч қандай вазиятда бермайдилар, деб ўйлаш ҳато бўлур эди. Бундай эмас, асло! «Аппаратчи» деб аталганларнинг кўплари шу бугуноқ аппаратдан кетишга тайёр ва улар моддий жиҳатдан ва эҳтимол, маънавий жиҳатдан ҳам ҳаётда анча яхши ўрнашиб оладилар. Уларнинг иши осон иш эмас, кунлари ҳам нормал ўтмайди, улар учун дам олиш ҳам йўқ.

Аппарат ходимлари ишида ҳатолар ҳам, камчиликлар ҳам бор. Улардан энг асосийси, нотиқ фикрича, шундан иборатки, улар ҳали одамлар билан кам мулоқотда бўлишади, жойларга камдан-кам боришмоқда, кам ёрдам беришмоқда. Холбуки, улар бу соҳада жуда кўп иш қилишлари мумкин эди!

7 февраль эрталабки мажлисдаги музокараларни КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Қ. Маҳкамов** бошлаб берди. У КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастурининг лойиҳасини жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган, партияни янгилашда қилинган ишларга якун ясайдиган ҳамда партияни ва бутун жамиятни янада ривожлантириш йўлларини белгилаб берадиган ҳужжат, деб атади. Бу дастур муҳокама қилиниб, тузатишлар киритилганидан кейин партия ўзининг съездига бориши мумкин бўлган негиздир.

Сталинизм йилларида, сўнгра эса турғунлик йилларида социалистик қурилишда кўп хатоларга, чекинишларга ва социалистик қурилишнинг ленинча принципларини тўғридан-тўғри бузишларга йўл қўйилди. Буларнинг барчаси учун партия табиийки, масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилаётгани йўқ, бундай қилишга ҳақли ҳам эмас. Ҳатто қайта қуриш шароитида ҳам партия кадрларининг барчаси ўз умрини яшаб бўлган эски раҳбарлик усулларидан воз кечмаганлиги муносабати билан билдираётган таъналар ҳам асослидир.

Бироқ партия Октябрь революциясидан бошлаб амалга оширган ҳамма ишларни йўққа чиқаришга уринишлар, партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш йилларида эришилган барча ютуқларни инкор этишга уринишлар тушунмовчилик ва қатъий норозиликни келтириб чиқармоқда. Тожикистон коммунистларининг раҳбари қайта қуриш орқага қайтмаслигининг кафили бўлган, қайта қуришни мўлжалланган маррага етказиш, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш ҳамда янги негизда мустаҳкамлаш учун барча зарур нарсаларга эга бўлган бирдан-бир реал кучни — партияни обрўсизлантириш, парчалаб юбориш йўлидаги ҳар қандай уринишларни республика коммунистлари қатъиян қораламоқдалар, деди.

Нотиқ муҳокама қилинаётган ҳужжат юзасидан бир қанча мулоҳазаларини билдирди.

Ҳаракат дастури лойиҳасида ижод эркинлиги ҳақида гап борган жойда партия маданият соҳасидаги хилма-хилликни рағбатлантириш билан бир қаторда инсонпарварлик мезонларини ҳимоя қилади ва маданиятга пул ишлаш манбаи деб қараш социализм учун номақбул дейилган. Бу гаплар айни вақтида айтилди. Кейинги йилларда мамлакатда бизнинг маданиятимиз инсонпарварлик принципларидан бирмунча чекинаётганлиги кузатилмоқда. Кинотеатр экранларидан, ҳар хил видеосалонлардан, ҳатто телевидениедан ҳам совет томошабинига зўравонлик, фаҳш, бузғунчилик ва жамиятимиз учун ёт бўлган бошқа ҳодисалар ёғдирилмоқда. Бу ҳол Ўрта Осиё республикаларининг ўзига хос шароитларида айниқса ёмон қабул қилинмоқда, ахлоқий негизларнинг барбод бўлишига ҳамда бунинг оқибати ўлароқ, айниқса ёшлар ва ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг кескин ўсишига сабаб бўлмоқда. Афтидан, биз ўз республикамизда бундай фильмларни олиб келиш ва кўрсатишни қонун йўли билан тақиқлаб қўйишга мажбур бўламиз. Тегишли қонун лойиҳаси ҳозир тайёрланмоқда. Тегишли чора-тадбирлар иттифоқ миқёсида ҳам қабул қилиниши керак, деб ўйлаймиз, чунки шунга ўхшаш фильмлар бизнинг мамлакатимизда ҳам тайёрлана бошлади.

Бизнинг назаримизда, ҳаракат дастури лойиҳасида меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг кафолатларини мустаҳкамлаш ҳақидаги қонда етарли даражада аниқ таърифлаб берилган эмас. Мана шу ва бошқа юксак минбарлардан туриб Тожикистон ва қўшни республикалар аҳолисининг ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган анча катта қисмини ишга жойлаштириш муаммолари хусусидаги масалалар бир неча марта кўтарилган эди. Умумиттифоқ программаси бўлмаса, бу муаммони амалда ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли ҳаракат дастури лойиҳасида партиянинг мана шу қийин, лекин ғоят муҳим муаммони ҳал қилишга бўлган мунасабати аниқроқ ва равшан ифода қилинмоғи керак.

Лойиҳада съездлар ўртасидаги вақтда умумпартия конференцияларини мунтазам ўтказиб, уларга раҳбар органлар ҳайъатини қайта сайлаш ҳуқуқини бериш ҳақида истак билдирилганлиги муносабати билан, афтидан, раҳбар органлар составига қўшимча аъзолар киритишга зарурат йўқ. Бундан ташқари, XXVIII съезд делегатларининг ваколат муддатларини бутун беш йиллик даврга белгилаш масаласини ҳам қараб чиқса арзийди.

Лойиҳада Коммунистик партия — ҳамфикрларнинг ихтиёрий ташкилоти бўлиб, ундан чиқиш бундан буён ҳеч қандай сиёсий ёки гражданлик оқибатларига олиб келиши мумкин эмас, дейилган. Аммо ҳаётда биз мана бундай ҳолга дуч келамиз: кексайиб қолган айрим коммунистлар — партия ветеранлари баъзан саломатлиги ёмон бўлганлиги туфайли бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятида муттасил иштирок эта олмайдилар. Лекин улар партиядан чиқишни асло ишташмайди. Уларнинг бу ҳолатини тушуниш мумкин. Ана шу вазиятни ҳисобга олиб, кекса ёшдаги партия ветеранлари учун КПССнинг фахрий аъзолари институтини жорий этишни таклиф қиламан.

Кейинги вақтда партия-давлат аппарати ва бошқа раҳбар ходимларнинг имтиёзлари тўғрисидаги масала жуда тез-тез кўтарилмоқда. Баъзи масъул ўртоқлар ана шу масалани бюрократияга қарши курашда ўзларининг асосий байроқларига айлантириб олишди, халқ орасида эса турган гапки, раҳбар ва албатта асосан, партия ходимлари учун ҳар турли «махсус» объектлар ва нуқталар мавжудлиги ҳақидаги миш-мишлар борган сари кенг ёйилмоқда.

Олий Советнинг имтиёзлар бўйича комиссияси ишламоқда, аммо партиявий йўл билан ҳам бу ишда аниқлик киритиш ҳамда қонун бўйича тегишли бўлган ва воз кечиш керак бўлган нарсани узил-кесил белгилаб қўйиш ҳамда бу ҳақда бутун халққа эълон қилиш вақти келмадимикан?

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ВЛКСМ Марказий Камитетининг биринчи секретари **В. И. Мироненко** ўз нутқини ёшлар муаммоларига бағишлади. Пленумда ҳозир бўлган кўп кишилар, деди у, ўтмишдаги комсомол ҳисобот-сайлов конференцияларида қатнашганлар ва ақидапарастликка ихлосмандлик, қатъиятсизлик, ноизчиллик комсомолларнинг қаршилигига дуч келганини, ёшлар орасидаги вазиятни ҳаддан ташқари кескинлаштирганини яхши биладилар.

Хўш, ёшлар нимани хоҳлайдилар? Энг муҳими шуки, сўз билан иш бир-биридан фарқ қилмайдиган бўлсин. Ёшларнинг хоҳиши шуки, ҳокимият ҳақиқатан ҳам оғизда эмас, балки амалда Советларга топширилсин, коммунистлар ҳақиқатан ҳам камтаринлик, ҳаллоллик, оддийлик намунаси бўлсинлар. Партия эса ҳуқуқий йўл билан эмас, балки ҳақиқатда сиёсий пешқадам бўлсин. Совет Иттифоқи зўрлик билан эмас, балки иноқлик билан, унга кирувчи ҳар бир республиканинг, ҳар бир, ҳатто энг кичик халқнинг ҳам суверенитети ва манфаатлари билан ҳам сақлаб қолинсин. Инсон қаерда ишлашини ўзи танлаб олсин, ўз меҳнатининг натижаларига ўзи тўла-тўкис хўжайин бўлсин. Мавжуд бўлган ҳамма монополиялар — ҳокимиятга, ҳақиқатга, халқ манфаатларини ифодалашга бўлган монополиялар тугатилсин. Қонун ҳамма учун баб-баравар бўлсин.

Ёшлар ижтимоий адолат ва ҳақиқат бўлишини хоҳлайдилар. Улар социализмни хоҳлайдилар. Яна ўз қобилиятларини намоён этиш шароитлари бўлишини ҳам хоҳлайдилар.

Хўш, ҳаракат дастури нимани таклиф этади? Бу ниҳоят: ҳукмронлик-бюрократик системасидан демократик, инсоний социализмга, бюрократик марказчиликдан ички партиявий демократияга, иқтисодиётдаги монополизм ва волюнтаризмдан унинг ривожланиш қонунларига риоя этишга ўтиш сари қатъий қадам қўйишни таклиф қилади.

Ҳаракат дастурининг лойиҳасида икки жойда партия билан комсомолнинг ўзаро муносабатлари ҳақида гапирилган, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Асосан тўғри гапирилган. Бироқ турмушда ҳам, ҳаракат дастурида ҳам партиянинг комсомолдан олислашув тенденцияси сезилиб турибди. Эҳтимол, янглишаётгандирман-у, лекин менга бунда комсомол ташкилотлари ва уларнинг матбуот органлари ғайриодатий феъл-атворидан ғижиниш таъсири бордек туюлди. Улардаги ҳамма иш ҳам нормал эмас, бироқ партия комитетларининг, шу жумладан Марказий Комитетнинг ҳам етилган қарорларни қабул қилишдаги қатъиятсизлиги, сусткашлиги учун қилинаётган танқид, комсомол конференцияларида партиядаги аҳволга тааллуқли қарорларнинг қабул этилиши — мана шуларнинг ҳаммаси аксарият ҳолларда кўпинча мутлақо тушунилмаяпти ва қабул этилмаяпти.

Ҳа, булар биз учун одат эмас эди. Аммо мен партия билан ёшлар союзининг муносабатида буни нормал бир ҳол деб ҳисоблайман. Комсомолнинг бўлғуси съездида биз партиянинг ҳаракат дастурини кўриб чиқамиз ва унга муносабат хусусида махсус қарорлар ва бўлажак партия съездига таклифларимизни таърифлаб берамиз. Бу қарор ва таклифлар фойдали бўлади, деб ўйлаймиз. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаракат дастурида ҳеч бўлмаганда партиянинг ВЛКСМ ва Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти билан ўз муносабатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш истаги ифода этилиши зарур. Ҳеч қандай имтиёзларсиз шундай қилиш зарур, албатта. Уларни ўз сиёсатини ишлаб чиқишга ва табиийки, бу сиёсатни амалга оширишга жалб қилиш лозим.

Ўтган йили Бутуниттифоқ студентлар анжуманининг якунларини муҳокама қилиш чоғида Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси сиёсий ҳаракат дастурида партия ҳозирги шароитдаги ёшлар сиёсатининг асосий принципларини акс эттириш мақсадга мувофиқ деб топган эди. Афсуски, муҳокама этилаётган ҳужжатда бу мавзу ривожлантирилмаган. Нотиқнинг фикрича, ёшлар сиёсатини кимларнингдир ихтиёрига бериб қўйиш кам деганда масъулиятсизлик бўлур эди. У коммунист депутатларга, СССР Олий Советининг аъзоларига мурожаат этиб, учинчи сессияда давлатнинг ёшлар сиёсати тўғрисидаги масала муҳокама қилинишини қўллаб-қувватлашга чақирди. ВЛКСМ Марказий Комитети қонун лойиҳаси таклиф этиш ташаббуси тариқасида бу ҳужжатларни ўтган йилнинг кўкламидаёқ тайёрлаб қўйган эди. Аслида бу — комсомолнинг жуда муҳим сиёсий ишидир. Модомики, шундай экан, бу иш амалда писанд қилинмаётганлиги бизни жуда ҳафа қилмоқда. ВЛКСМ депутатларининг сўзини залда эшитишни истамаслик охир-оқибатда ўша сўзларнинг ўзини ёшлардан майдонда эшитиш зарурати билан тугаши наҳотки равшан бўлмаса. Ўйлайманки, ўртага қўйиладиган талабларнинг руҳи ҳам бошқача бўлади, деб таъкидлади ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари. Бунинг устига жамиятдаги сиёсий кураш кескинлашган шароитда ёшлардан сиёсий найранглар қуроли сифатида фойдаланишни хоҳловчи кучлар топилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ёшлар юз ўтирган партия, ўзининг ёшлар ташкилотлари бўлмаган партия — истиқболсиз партиядир.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. М. Масалиев**га сўз берилади. Қайта қуриш бошланганига яқинда беш йил тўлади, деди у. Мамлакатда чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда, бироқ иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада сезиларли натижалар йўқ. Миллатлараро муносабатлар ҳаддан ташқари кескинлашди. Алам қиладиган жойи шуки, жамиятнинг сиёсий пешқадами — коммунистик партия ўз обрўйини йўқотиб қўймоқда. Ана шундай нохуш вазиятда биз КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини қабул қилишимиз лозим. Унда партиянинг вазифаларини тубдан ўзгартириш кўзда тутилган. Ҳаракат дастурига биноан партия ўзининг ҳокимлик мавқеидан ва ҳукмронлик ваколатларидан ихтиёрий равишда воз кечади, аммо у ўзининг жамиятдаги пешқадамлик роли учун курашишни мақсад қилиб олган.

Очиғини айтганда бу — ўта мураккаб вазифадир. Партиянинг жипслаштирувчи куч тарзидаги обрў-эътибори янада пасайиши жамият учун, кўп миллатли давлатимиз учун фалокат хавфини келтириб чиқаришини аниқ тасаввур этмоқ керак. Шу сабабли КПСС Марказий Комитети, Олий Совет ва Министрлар Совети, маҳаллий партия комитетлари иқтисодий қурилишга бевосита раҳбарлик қилишдан халос бўлиб, Советларнинг позицияларини, ҳуқуқлари ва вазифаларини мустаҳкамлаш юзасидан шошилинч чораларни кўришлари зарур. Энди ҳокимият тўла-тўкис Советларга ўтади. Сусткашлик қилиш ярамайди. Акс ҳолда мамлакат бундан ҳам оғирроқ вазиятга тушиб қолиши мумкин.

Ҳозир мамлакатда рўй бераётган воқеалар учун биз ҳаммамиз жавоб беришимиз керак, деб таъкидлади нотиқ. Биз ўткир, муҳим масалаларни кам муҳокама қиляпмизми? КПСС Марказий Комитетининг Пленумларини, СССР халқ депутатларининг съездларини, Олий Советнинг сессияларини, Министрлар Советининг мажлисларини олиб кўринг. Кейинги йилларда уларда бир талай йирик масалалар кўриб чиқилди, зарур қарорлар қабул этилди. Бироқ улар муносиб равишда иш бераётгани йўқ.

Биз қайта қуриш, турмушни демократиялаш ҳақида кўп гапиряпмиз, бироқ интизомни, жамоат тартибини мустаҳкамлаш учун жуда кам иш қиляпмиз, тушуниб бўлмайдиган даражада сусткашлик ва ўринсиз эҳтиёткорлик қиляпмиз. Транспортдаги тиқилинчлар ҳақида, жамоат тартиби кўплаб бузилаётгани ҳақида, халқ истеъмоли молларини етказиб беришда кўплаб узилишлар бўлаётгани ҳақида қанча гапириш мумкин? Аммо аҳвол яхшилик сари суст ўзгармоқда.

Ҳа, мамлакатда кўпгина турдаги маҳсулотлар камчил бўлиб турибди. Чайқовчилик авж олган. Нопок кишилар жазосиз қолаётганликларидан фойдаланиб, халқ ҳисобидан бойиб қолдилар ва молдунё орттирмоқдалар. Буни ҳамма кўриб турибди. Баъзи қонунларнинг бажарилмаслиги шунга олиб келдики, халқ ҳар бир янги қадамни, янги ҳужжатни салбий назар билан, ишончсизлик билан кутиб олмоқда, уларнинг пухталиги ва кучига ишонмаяпти. Мамлакатда кўпгина муаммолар йиғилиб қолди. Уларни ҳал қилиш керак, Аммо митинглар, намойишлар, иш ташлашлар ёки қўлга қурол олиш орқали эмас, балки бир маромдаги серунум меҳнат, юксак уюшқоқлик билан, жамоат ташкилотларининг роли ва масъулиятини ошириш билан ҳал қилиш керак.

Афсуски, бундай бўлмаяпти, бунинг устига телевидение, радио, матбуот кун сайин тобора янги-янги жамоат ҳаракатлари, турли бирлашмалар, уюшмалар пайдо бўлаётганини хабар қилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси демократия деб кўрсатилмоқда ва қайта қуриш, деб ниқобланмоқда. Ҳолбуки, бу ҳаракат, бирлашма ва уюшмаларнинг кўплари назоратсиз ишламоқда. Уларнинг вакиллари бутун мамлакатни кезиб юриб, одамларга қутқу солмоқда. Бу тузилмалар муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беришига ишонмайман. Аксинча, улар фақат зарар келтирмоқдалар. Уларнинг аксарияти эндиликда сиёсий шиорлар билан майдонга чиқмоқдалар. Уларнинг фаолияти, аслида, жамиятни беқарорлаштиришга, мамлакат иқтисодиётини, сиёсий системасини барбод қилишга қаратилган. Аммо биз бу масалаларда КПСС Марказий Комитети билан мамлакат ҳукуматининг аниқ ва принципиал позициясини сезмаяпмиз. Ҳар қандай маърифатли жамият, айниқса ҳуқуқий давлат (биз шундай давлатга интиляпмиз) ўзини осойишта яшаш ва ишлашга халақит бераётган хуружлардан ҳимоя қилишга ҳақлидир.

Ҳеч қандай тилёғламалик қилмай ҳақиқатга тик боқиш пайти келди. Ҳокимият учун муросасиз кураш бормоқда. Ҳозирча совет кишиларининг жуда кўпчилиги партияни қўллаб-қувватламоқда, унга ишонмоқда, у ўзида куч топиб, вазиятни ўзгартира олади, деб умид қилмоқда. Келинглар, ўртоқлар, тезроқ, дадилроқ ҳаракат қилайлик. Энг муҳими — халқ орасига бориш керак.

Партия комитетларининг аппарати ҳали ҳам катта деган овозлар тез-тез эшитилмоқда. Унинг бюрократизми ҳақида гапирмоқдалар. Эҳтимол, бунда бироз ҳақиқат бордир. Кўп погонали система: инструктор, сектор мудири, бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири ва, ниҳоят, партия комитетининг секретари ишлаб келмоқда, бундай шароитда масалаларнинг ҳал этилиши беихтиёр секинлашади, аппаратнинг ташаббуси бўғилади, унинг оперативлиги ишлашига халақит беради. Ғояларни, ҳужжатларни мана шундай мураккаб пиллапоя бўйлаб келишиб олишга, маъқуллатишга кўп вақт кетмоқда.

Аппаратнинг тузилишини ўзгартириш, соддалаштириш керак, деб ўйлайман. Мен докладнинг бу масалага оид қоидаларини қўллаб-қувватлайман. Партия мансабларининг кўп погонали-лигидан воз кечиш аппаратга эрк беради, унинг ҳаракатчанлигини оширади.

Сўзининг охирида нотиқ халққа силжиш бўлади, деб ваъда бериб ишонтирилганлигини таъкидлади, аммо йил кўнгилдагидек бошланмади. Марказда ва жойларда иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ижобий силжишлар бўлиши учун кучларни бирлаштириш, фаол ишлаш керак, деб ҳисоблайман. Шундай қилинмаса, ҳаракат дастури ҳам иш бермайди, халқнинг ҳафсаласи пир бўлади. Агар биз шундай қилсак, партия ва унинг Марказий Комитети мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир эканини одамларга исботлаймиз.

Партия инсон манфаатларини барча қайта қуриш жараёнларининг асосий маъносига айлантиришни таклиф қилганлиги учун ҳам совет кишилари, коммунистлар ва партиясизлар қайта қуришни қўллаб-қувватладилар, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ВЦСПС секретари **Г. С. Баштанюк**. Одамлар режалаштирилган ўзгартишларга ишондилар, аммо тирикчилик тобора қийинлашиб бормоқда. Бу эса одамларнинг кайфиятига салбий таъсир қилмоқда, интизом пасаймоқда, ижтимоий кескинлик кучаймоқда. Шу сабабли ҳозир партия ҳам, халқ ҳам мамлакатнинг барча жамоат кучларини бирлаштира оладиган ва уларнинг куч-ғайратларини қайта қуриш мақсадларини тезроқ рўёбга чиқаришга, рўй берган қийинчиликларни тезроқ бартараф эта оладиган ҳаракат дастурига, дастуриламалга муҳтождирлар. Ҳаракат дастурида, жумладан, партиянинг пинхона иқтисодиётга муносабат хусусидаги позицияси янада аниқ ва қатъий ифодалаб берилиши керак, чунки пинҳона иқтисодиёт мамлакатни бамисоли зулукдек сўрмоқда ва кооператив ҳаракатдаги бузилишлар, чайқовчилик, порахўрлик, уюшган жиноятчилик каби салбий ҳодисаларни келтириб чиқармоқда. Унинг миллатлараро муносабатларга ҳам таъсири кучаймоқда.

ВЦСПС секретари партия билан касаба союзларининг ўзаро муносабатларига алоҳида тўхталди. Биз, деди у, ҳаракат дастури лойиҳасида касаба союзлари билан янги муносабатларни партия мулоқот, мунозара, ҳамкорлик ва шерикчилик қоидалари асосида қуради, деб баён этилган қоидани мамнунлик билан қабул этамиз. Бундай қилиш ҳозир жуда муҳим.

Жамиятдаги барқарорлик касаба союз ҳаракатида таркиб топаётган вазиятга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳозир жамиятда касаба союзларининг роли ва ўрнини мамлакат ишчилар ҳаракатининг чинакам қайта уйғониши билан, оммaнинг фаоллиги ғоят ўсганлиги билан қиёс қилиш зарур. Масала шу тарзда турибди: ё меҳнаткашларнинг сиртга ёриб чиққан мана шу ғайрат-шижоати стихияли шаклларга кириб, қайта қуриш мақсадлари бошбошдоқлик тартибсизлиги билан супуриб ташланади ёки у уюшқоқ тус олиб, бинобарин эса тартиб ва осойишталик вазиятида мамлакатнинг янгиланишига кўмаклашади.

Турли-туман тузилмалар ҳозирнинг ўзидаёқ уюшган меҳнаткашлар орасида сиёсий таъсир ўтказиш учун кураш бошлаб юборганлар. Улар кун тартибига параллел касаба союз тузилмаларини яратиш вазифасини қўйганлар. Уларнинг вакиллари шаҳарлар ва корхоналар бўйлаб кезиб юрибдилар, турли-туман босма материалларни тарқатмоқдалар, жумладан, чет эллардан моддий-молиявий ёрдам бериш имкониятларини йўлга қўймоқдалар. Улар ишчи коллективларида ҳозир ишлаб турган жамоат тузилмаларини издан чиқариш, уларнинг ўрнида янги, ўзларининг сиёсий мақсадларини кўзлайдиган тузилмаларни алмаштириш учун шу коллективларга суқилиб киришга тобора зўр бериб уринмоқдалар.

Агар биз шу кучларга ёр берсак, партия ишчилар ҳаракатидаги обрў-эътиборини йўқотаверади. Бу эса қайта қуришнинг энг масъулиятли босқичида унга ўнгланмас зарба бўлиб тушади. Шахтёрларнинг яқинда бўлиб ўтган иш ташлашлари энг ташвишли сигнал бўлди. Бу иш ташлашлар, жумладан, касаба союзларида қатъият етишмаслиги бир ёқда турсин, ҳатто меҳнаткашларнинг энг зарур эҳтиёжларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш маҳорати ҳам етишмаслигини кўрсатди. Социалистик янгиланаётган жамиятда касаба союзларининг роли ва ўрни тўғрисидаги Ленин ғоясини расм бўлиб қолган узатма қайишдан иборат қилиб қўйишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Касаба союзлари айрим бюролар ёки комитетларнинг буйруқларига эмас, балки, аввало, ўзларининг бошланғич тузилмаларига таяниб ва партиянинг программавий ҳужжатларига амал қилиб, мустақил ишлашлари керак.

Бошқача қилиб айтганда, жамоат ташкилотлари билан ишлашнинг сиёсий усулларига ўтиш — шунчаки бир яхши истак эмас, балки қатъий заруратдир. Шу муносабат билан нотиқ ҳаракат дастури лойиҳасида қуйидаги иборани киритишни таклиф қилди: «Партия касаба союзларини меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб, уларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, меҳнаткашларнинг яхши турмуш йўлида бирлашув ниятини ифодалайдиган мустақил ихтиёрий жамоат ташкилоти деб билади. Партия касаба союзларини узатма қайиш деб, КПСС билан кенг меҳнаткашлар оммасини боғловчи бўғин деб билишдан иборат ўзининг аввалги тасаввуридан воз кечади. У касаба союз ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда буйруқбозлик - маъмуриятчилик ёндашувини қатъиян рад қилади».

Нутқнинг пировардида олинган ишонч васиқаси партия учун муддатсиз бўлиши мумкин эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Биз, коммунистлар жамиятнинг демократлашуви жараёнлар кучайиб бораётган шароитда партиянинг пешқадамлик ролини тасдиқлашимиз, айни вақтда сиёсий ҳокимиятни монополия қилиб олишни даъво қилмай, аммо ташкилий ва ғоявий ночорликка ҳам йўл қўймаслигимиз зарурлиги тобора равшан бўлиб қолмоқда. Биз истасак, истамасак шиддатли сиёсий кураш шароитида ўзимизнинг олий мақсадларимизни қаттиқ туриб ҳимоя қилишимизга тўғри келади. Ҳар қандай партия турмушининг бутун маъноси мана шундан иборат. Халқнинг эътирофи ва ҳурматига деклараияларда эмас, балки фақат курашда эришиш мумкин.

Пленумимиз фавқулодда вазиятда ва фавқулодда муҳим масалалар хусусида ўтказилмоқда, деди КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Москва шаҳар ижроия комитетининг раиси **В. Т. Сайкин**. Партия ва мамлакат сиёсий ва иқтисодий системанинг ғоят оғир танглигини бошидан кечирмоқда. Жамиятимизнинг раҳбар кучи сифатида партия кўпгина жуда ўткир муаммоларга дуч келди ва бунинг учун халқ олдида жавоб бермасдан қолмай, балки ана шу муаммоларни ҳал этиш йўлларини топиши зарур.

Афсуски, ҳаракат дастури лойиҳасида кўпгина долзарб масалаларга жавоб берилмаган. Қайта қуриш босиб ўтган йўл зарур даражада таҳлил этиб берилмаган, партиянинг бўлажак съездига, аслида фавқулодда съездига амалий таклифлар кам. Қайта қуриш даврининг хатоларини, уларнинг муаллифларини кўрсатиш, бугунги кундаги вазиятни танқидий таҳлил этиш лозим эди. Марказий Комитет қайта қуришни бошлаб ва халқни унга сафарбар этиб, сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этиш йўлларини узил-кесил ишлаб чиқмаганлигини, кўпинча бир ёқлама ҳаракат қилганлигини айтишга журъат қилиши керак эди. Чунки сиёсат — энг аввало, оқибатларни олдиндан кўра билиш, тахмин қила олиш санъатидир. Эндиликда биз хом-ҳатала қарорларнинг аламини тортаяпмиз.

Кейинги вақтда қабул қилинган қонунлар ва қарорларнинг мукаммал эмаслиги бизнинг иқтисодиёт соҳасида хатоларга йўл қўйишимизга сабаб бўлди. Хатолар натижасида ижтимоий соҳада кескинлик кучаймоқда. Бунга демократияни бошбошдоқлик, жиноятчиликнинг авж олиши, жамиятнинг табақаланиши деб тушунилаётганлигини қўшсак, қайта қуриш даврида пухта ўйланмаган қадамлар қўйиб, шундай вазиятни ўзимиз вужудга келтирган бўлиб чиқамиз. Бунинг жабрини эса, энг аввало, ишчилар синфи тортмоқда.

Назариётчилар, айнан шундай бўлиши керак: аввал ёмон, сўнгра эса яхши бўлади, деб тинчлантирмоқдалар. Нима ёмон эканлигини халқ кўриб турибди, лекин нима яхши бўлишига эса унда ишонч йўқ ва ортиқча кутишни истамаяпти.

Иқтисодий ислоҳотнинг шундай моделини ишлаб чиқиш лозимки, барча корхоналар, кооперативлар, илмий муассасалар иқтисодий жиҳатдан аввал бошидан бир хил шароитда бўлсинлар, деди нотиқ. Хўжалик юритишнинг турли шаклларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг тенг бўлмаган шароитлари софдил меҳнаткашлар орасида қаҳр-ғазаб уйғотмоқда.

Неъматлар меҳнатга қараб тақсимланадиган чинакам адолатли социалистик жамиятни барпо этишга имкон берадиган дадил шошилинч чораларни қабул қилиш йўли билангина, иқтисодий вазиятни ўзгартириш, социал кескинликни пасайтириш, қайта қуришга ишончни тиклаш мумкин. Мамлакат халқ хўжалигини, социал соҳани ривожлантиришнинг устун жиҳатларини аниқ белгилаб олиш даркор.

Ҳозирги замон социализмининг концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Афсуски, партиянинг жуда катта илмий имконияти бу борада ҳозирча натижа бермади.

Биз социализмнинг бузилишига қарши курашда социализмнинг ўзи оёқости қилинишига имкон бердик. Кекса авлод ҳаётини фақат ҳатолардан иборат деб кўрсатдик, уни бугунги кундаги барча қулфатларимизнинг айбдорига айлантирдик. Маъмурий-буйруқбозлик системасига, бюрократизмга қарши курашдан ҳокимият учун, КПССни сиёсий майдондан четлаштириш учун, маъмурий-буйруқбозлик услубининг барча жиҳатларига эга бўлган, аммо янги сўл радикал раҳбарлар ҳомийлигидаги ҳокимият ўрнатиш учун кураш шакли сифатида фойдаланилмоқда.

Агар биз КПССнинг ҳукмрон партия мавқеини сақлаб қолишни истасак, матбуотимиз партия ғояларини, унинг сиёсатини акс эттириши керак. Бошқа матбуот органлари эса бошқача нуқтаи назарга эга бўлсалар, партия матбуоти билан мунозара қилсинлар. Фақат шу йўл билангина кенг халқ оммаси воқеаларни тушуниб етиши ва онгли равишда аниқ йўл танлаши мумкин.

Кўп партиявийлик масалалари ва Конституциянинг 6-моддаси хусусидаги нуқтаи назарни бирмунча аниқ баён қилишни таклиф этаман. Кўп партиявийлик аслида юзага келди ва бугунги кунда кучларни иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишга, омма орасида олиб бориладиган ишларни аниқлашга, партия сафларини қайта тузишга, партиянинг яхши номини тиклашга сафарбар этиш лозим.

Жамоат ташкилотлари тўғрисида, партиялар тўғрисидаги ва барча масалаларни ҳуқуқий негизга қўядиган қонунлар қабул қилинишини жадаллаштириш даркор. Ҳокимият кучли ва турли социал группалар манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлиши, аммо камчиликнинг ҳам овозини тинглаши, турли нуқтаи назарга ҳурмат билан муносабатда бўлиши керак.

Лойиҳанинг миллатларнинг ажралиб чиқишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқлари тўғрисидаги ленинча принципга содиқлигига оид қоидасини қўллаб-қувватлайман. Иттифоқимиз республикаларнинг ихтиёрий ҳамдўстлиги бўлиб қолсин. Россия алоҳида мавқега даъво қилмайди ва ҳақиқатдан ҳам тенглар орасида тенг ҳамда ҳақиқатдан ҳам суверен республикалар орасида суверен бўлишни истайди. Россия коммунистлари яқин орада ўзларининг партия органи қандай бўлиши: КПСС Марказий Комитетининг Россия бюросими ёки партия Марказий Комитети бўлишини аниқ белгилаб олишлари зарур.

Аҳволни кескинлаштириб кўрсатмоқчи эмасман, деди нотиқ. Бироқ мамлакатимиздаги жараёнлар ҳам, Европа мамлакатларидаги жараёнлар ҳам умидимни мустаҳкамламайди. Ватан тақдирини ўйлаб қалбимиз зирқирамоқда. Ортиқча кутиш мумкин эмас. Партия иқтисодиёт соҳасида ҳам, сиёсат соҳасида ҳам қатъий чоралар кўриши даркор. Ватан партия тақдирини ҳал этадиган масъулиятли пайт келди. Кечиксак халқ бизни кечирмайди.

Қайта қуришнинг беш йили мобайнида биз ҳаммамиз қийин сиёсий мактабни ўтадик, деди КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, «Туркменгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бурғулаш мастери **А. Б. Шалиев**. Биз демократия ва ошкораликнинг талабчан фанини ўргандик ва ўрганаяпмиз. Ҳар қандай янгилик сингари қайта қуриш ҳам мунтазам тўсиқларга ва қаршиликка дуч келмоқда.

Ҳозир мамлакатдаги аҳвол қийин ва кўп жиҳатдан қалтисдир. Аммо бундай вазиятда саросимага тушмаслик, ҳаммадан кўра шошмасдан солмаслик, балки куч-ғайратларни бирлаштириш ва ҳаракат қилиш кераклиги тўғрисидаги фикр мутлақо тўғри айтилди. Бунинг учун аниқ ҳаракат программаси зарур. Бизнинг позициямизни ифодаловчи сиёсий ҳаракат дастури айни партия ва социализмнинг истиқболини кўзлаб коммунистларни жипслаштиришга, уларни фидокорона ишларга сафарбар этишга қаратилган.

Ҳаракат дастурида амалий таклифлар ва хулосалар, таъсирчан чоралар етарлидир. Уларни рўёбга чиқариш ўзига хос ёндашувлар ва ечимларни жадал қидириб топишни тақозо этади. Бу эса ҳар бир партия ташкилотига ўзгаришларнинг янги оқимини олиб кириш, ҳар бир коммунистнинг фаол ва муросасиз ҳаракат қилишга мажбур этиш имконини беради.

Нотиқ партиянинг тақдим этилган программав

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА МУЗОКАРАЛАР

(Давоми. Боши учинчи бетда).

СССР конституцион назорат комитетининг раиси **С. С. Алексеевнинг** фикрича, Пленумдаги жўн бўлмаган муҳокама учун ҳозирги даврга таг-заминли баҳо бериш ҳал қилувчи асос бўлади. Унинг назарида бизнинг пешонамиз саросимага соладиган ва бошқаларни ҳам, ўзимизни ҳам чўчитадиган «танглик», «кундан кун баттар», «инқироз», «таназзул» деган иборалар ва сўзларга «тақ этиб» тегди. Ваҳолонки, агар ҳозирги даврга кенг нўламдаги чинакамига илмий позициялардан ёндашадиган бўлсак жамият улкан ва муҳим даврни бошидан кечирмоқда. Ниҳоятда марказлаштирилган, ҳали яқингинада ҳам бориб турган якка ҳоким, зўравонлик системасидан инсонпарвар демократик социализм муносабатлари системасига тинч йўл билан ўтилмоқда. Аммо биз ҳали янги системага кирганимиз йўқ. Қийинчиликлар манбаи, жами жўн бўлмаган муаммоларимизнинг илдизи ҳулди ана шундадир.

Нотиқ ана шундай баҳога таяниб бир қанча хулосалар чиқарди ва бу хулосаларга Пленум қатнашчилари эътиборини қаратди. У социализм барбод бўлди, деб айтаётган кишилар билан баҳслашди. Шундан сўнг у шундай катта мамлакатда муносабатлар бир системасидан иккинчи системасига ўтиш принцип эътибори билан жўн ва осон бўлмайди, деб таъкидлади. Ҳамонки, партия ана шундай мушкул, тарихий жиҳатдан оламшумул йўлга тушган экан, умидворлик билан, бу ишимиз муваффақият билан якунланишига ишончни йўқотмай барчани мушкул ва оғир ишга шайлаш керак. Ҳозир кўп кишилар стратегик планда энг муҳими сиёсий ҳокимиятни топширишдир, деб ҳисобламоқдалар. Лекин бунинг ўзигина муаммоларни ҳал этмайди. Сиёсий ҳокимиятнинг манбалари — бу иқтисодиётдаги марксизмнинг алифбесидир. Нотиқнинг фикрича, энг асосийси иқтисодий ҳокимиятдир. Шу муносабат билан у иқтисодий ҳокимиятни ижара, сотиб олиш асосида меҳнаткашлар ташкилотларига реал топшириш ҳақида гапирди.

Комитет раиси мамлакатда ижара ҳақидаги қонун адо этилмаётганлигини айтди. У коммунистларга мурожаат қилиб, меҳнаткашлар ташкилотларининг реал иқтисодий ҳокимиятни қўлга олиши ишига бошчилик қилишни таклиф этди. Обрў орттиришнинг бундан яхшироқ, бехато воситаси йўқ. Агар коммунистлар социализм учун чинакам муқаддас бўлган шу ишга бош бўлсалар, партиянинг обрўси таъминланади.

Биз давлатни мустаҳкамлашга муҳтожмиз, деб таъкидлади нотиқ. Бизнинг миллий кулфатимиз қийинчиликларда, ижтимоий тартибнинг бузилишида, жиноятчиликнинг ортиб бораётганида эмас, бу, аввало, ҳудди ана шу жуда мураккаб ўтиш даврида давлат, яъни барқарорлик ва ишончни таъминлашга қодир бўлган асосий куч заиф, кучсиз бўлиб чиқди. Баъзан давлат органларимиз жуда оддий, жуда жўн масалаларни ҳал этолмаяптилар. Айрим кишилар бу демократиянинг ривожланганлиги оқибати, демоқдалар. Лекин демократияни албатта ривожлантиришимиз керак: бу инсониятнинг тарихий йўлидир, бу социалистик ғояни қарор топириш йўлидир. Бутун гап шундаки, демократияни ривожлантириш билан айни бир вақтда давлат ҳуқуқий давлат сифатида мустаҳкамланиши керак. Олий Советда шу йўналишда муайян қадамлар қўйилди. Чунончи, суд ислоҳоти юзасидан муҳим тадбирлар кўрилди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлариги бундан буён ҳам мустаҳкамлаш керак.

Нутқда ҳаракат дастури лойиҳасидаги президентлик ҳокимияти тўғрисидаги қонда маъқулланди. Бу давлат ҳокимиятини табақалаштириш, унга барқарорлик, мустаҳкамлик бахш этиш, қонунчиликни таъминлашнинг жиҳатларидан биридир. Айни вақтда лойиҳада муайян нуқсонлар борлиги ва бу нуқсонларни бартараф этиш учун ҳали яна ишлаш кераклиги таъкидланди. Масалан, биз бошимиздан кечираётган даврнинг муҳимлиги, тарихийлигини яна ҳам аниқроқ ифодалаш лозим. Ҳозир биз ҳаммамиз қилаётган ишлар хусусида коммунистларга, барча гражданларга ишонч бахш этиш даркор. СССР халқ депутати, мазкур ҳужжатда асосий ишга киришиш, яъни меҳнаткашларнинг иқтисодий ҳокимиятни қўлга олиши зарурлиги ҳақида сўз юритилиши лозим, деб уқтирди. Унинг фикрича, аниқланган ривожлантирилган ҳаракат дастури съездга тақдим этишга муносиб ҳужжат бўлади.

Шу билан Пленум кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама қилиш тугалланди.

* * *

7 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Литва Компартиясининг XX съезди қарорлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Бу масала хусусида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. -М. К. Бразаускас**га сўз берилади. У, жумладан бундай деди:

Литва Компартияси ўз Программаси, Устави ва бошқа сиёсий ҳужжатларига эга бўлган мустақил сиёсий партия бўлиб қолди. Бу кимнингдир шахсий манфаатдорлиги боисидан эмас, балки бошланғич партия ташкилотларининг ташаббуси билан бўлди, мазкур ташкилотлар бу масалани биринчи бўлиб кўтаришган эди, аллақачондан бери кўтаришаётган эди.

Агар партия ўз вақтида башорат қилишга ва зарур сиёсий қарорларни қабул қилишга қодир бўлсагина, у сиёсий куч сифатида жамиятда ижобий роль ўйнаши ва унга таъсир этиши мумкин. Бошқача қилиб айтганимизда, партия воқеаларнинг ортида эмас, балки олдида бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан таъкидлашимиз керакки, Литва Компартияси XX съездининг қарорлари бизга, Литва коммунистларига жамиятнинг муайян мададига таянишимизга имкон беради, республикадаги сўнгги социологик тадқиқотлар ҳам шундан далолат бериб турибди.

Ҳар қандай сиёсий ташкилотнинг, айниқса партиянинг мақсади жамиятда ниш уриб келаётган манфаатларни ўз вақтида уқиб олишдан ва ўша манфаатларни амалга ошириш учун чоралар кўришдан, одамларга программалар ва концепцияларни куч билан тиқиштирмай, аксинча сиёсатни кишиларнинг оқилона талаблари негизида қуришдан иборатдир. Бундай ёндашув бизнинг сиёсий системамизда янги, ноанъанавий ёндашувдир ва ҳозирча ҳамма ҳам уни қабул қила олмаяпти Айрим кишилар ҳозирча орқага тортиб эскичасига, таъбир жоиз бўлса, эскича фикрлаш асосида; эскича одатларга кўра ишламоқдалар. Шунга имонимиз комил бўлиб турибдики, халқ унинг тараққийпарвар қатламлари демократик йўсинда, ақл-идрок билан нимагадир эришар эканлар, ҳамиша ҳақ бўлиб чиқадилар. Бунга шубҳа билан қараш, устига-устак, сукунат чўккан хоналарда оламга келган режалар билан халқнинг ғайрат-шижоатини жиловлаб қўйишга уриниш беҳуда ишдир.

Миллий уйғониш, давлатчиликни тиклаш ғояси республикадаги аксарият кишилар учун ҳозир белгилаб берувчи ғоя бўлиб қолди, деб уқтирди нотиқ. Аммо Литвада шу мақсадга эришиш йўлини кўпчилик ҳар хил тушунмоқда. Шунинг учун ҳам фикрлар жуда хилма-хил — ўта сўл фикрлардан тортиб унга батамом зид бўлган фикрларгача мавжуд бўлиб турибди. Аммо Литвадаги аксарият аҳолини Компартиямизнинг шиори бирлаштириб турибди. Сира яшириб ўтирмоқчи эмасмиз, мустақил бўлмаган Литванинг келажаги ҳам йўқдир.

Масаланинг шу таҳлитда қўйилишини ҳамма ҳам уқиб олаётгани йўқ. Айниқса, республикадан нарида яшаётганлар тушунишмаяпти. Компартия мустақил Литвани тиклашдек ўзининг стратегик мақсадини амалга оширар экан, бу йўлни ўз изчиллиги ва босқичларига эга бўлган жараён деб тасаввур этади.

Иқтисодий мустақилликка эришиш, чинакамига сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги ва парламент демократизмини қарор топтириш — ҳозир асосий вазифа бўлиб турибди. Дарвоқе, биз яхши ният ва ҳамжиҳатликка асосланган тинч йўлни, парламент ва Конституция йўлини танлаб олдик. Ҳозирги кунда бу йўл бошқа усуллардан фарқ қилиб, ўзининг истиқболи борлигини исботлади. Шунинг учун ҳам, гўё биз ўз шерикларимиз билан ўртадаги иқтисодий алоқаларни барбод этишни, таркиб топган иқтисодий интеграцияни босиб янчиб кетиш ҳаракатидамиз, деб бизнинг шанимизга тез-тез айтилаётган таъна дашномларни эшитиб ҳайрон бўлиб турибмиз. Бу ўринда гап тамоман бошқа нарса ҳақида бормоқда.

Совет Иттифоқида шундай иқтисодий алоқаларни ўрнатиш лозимки, бу алоқалар бозор муносабатларига, ўзаро фойдали иқтисодий манфаатларга асослансин. Назаримизда, ҳудди ўша бозор муносабатларигина халқлар ҳамдўстлигининг майдони ва кафолатидир.

Биз, деб таъкидлади нотиқ, бизга мадад бўлаётган кўп хатларни олиб турибмиз. Аммо ҳозир биз англашилмовчиликка, ғанимликка дуч келмоқдамиз. Бундай муносабат, аввало нима қилиб бўлса ҳам КПССнинг унитар бирлиги тарафдори бўлган кишилардан чиқмоқда, ҳолбуки биз ҳозир ана шундай масалаларга бошқача ёндашмоқдамиз. XXI асрга ўз-ўзининг англашнинг сифат жиҳатидан бошқача даражаси, ҳамкорлик принциплари, тенг ҳуқуқли шерикчилик, ўзаро ишонч ва иззат-ҳурмат билан қадам қўйишимиз керак, деб ҳисоблаймиз.

Партияда айрича фикрлар айтилаётганини кўрмаслик мумкин эмас. Литва Компартияси ҳам ўзининг позициясига эга. Бу инқироз ҳам, ажралишга чақириқ ҳам эмас, балки изланишдир, шу изланишсиз тараққиётнинг ўзи ҳам бўлмайди, чоғи.

Шу тарзда биз КПССнинг тубдан қайта қурилишини ҳам ўз босқичларига, хусусиятларига ва зиддиятларига эга бўлган жараён, деб тасаввур қиламиз. Ҳар бир республиканинг ўзига хос хусусиятларини, вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни, компартияларнинг мустақиллик олишга қанчалик тайёр эканликларини энг кўп даражада ҳисобга олишни талаб қилади.

Ҳозир Литва мустақил Компартиясининг таркибида Литва Компартияси собиқ составининг 40 фоизи бирлашган. Ўз мавқеини белгилаб олган ҳар бир коммунист ҳар ҳолда ўз имзоси билан шу компартияга кирмаётган бўлса-да, Литва Компартиясининг программаси ва устави дастуруламал, деб қабул қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси партия йиғилишларида расмийлаштирилиб, ҳужжатдан ўтказиб қўйилаётир. Биз бу жараённи Михаил Сергеевич ва бир гуруҳ ўртоқлар республикамизга боргунча, бироз орқага сурилган Пленумгача анча вақт тўхтатиб турдик. Лекин партия ташкилотларининг ўзлари ҳам ташаббус кўрсатмоқдалар, зотан бизга ана шу фактларни қайд этишгагина тўғри келмоқда.

Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг муҳокама қилинаётган масала юзасидан қарор лойиҳасига ўз муносабатини ифодалаб бундай деди: бўлар иш бўлди. Компартия ташкилий жиҳатдан шаклланмоқда. Энди бу жараённи қандай қилиб реал тарзда тўхтатиб туришни ёки умуман КПСС XXVIII съездигача кечиктиришни тасаввур қилиш қийин. Биз республикамизда бошқа партияни шакллантираётган партиядош шерикларимиз билан низога бораётганимиз йўқ. Бунга сира йўл қўймаймиз. Тўғри, газеталарда, телевидение орқали ўз таклифлари билан чиқаётган одамлар ҳам бор. Аммо Литва Компартияси томонидан бизда бирор ножўя иш қилинмаётир.

Нотиқ ўз нутқининг охирида Пленумга республика да, Литва Компартиясида вужудга келган вазиятга жиддий назар ташлаб, КПСС XXVIII съездигача ҳеч қандай қарор қабул қилмасликни таклиф этди.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари нутқ сўзлаётганида Пленум қатнашчилари унга бир қатор саволлар беришди. Хусусан, М. С. Горбачевнинг Литва Компартияси коммунистлари КПСС XXVIII съездига ўз делегатларини сайлайдиларми, дегани саволга нотиқ: жавоб беришга қийналаман, деди. Г. К. Крючков «Саюдис»га муносабат, унинг айрим арбоблари уялмайнетмай мустақил Литвада коммунистларга қиладиган иш йўқ деб, келгуси сайловларни «Советлар коммунистларсиз бўлсин» деган шиор остида ўтказмоқчи бўлаётганликларига қандай муносабатда бўлинаётганлиги билан қизиқди. А.-М. К. Бразаускас ҳозир депутатликка номзодларнинг 60 фоиздан кўпроғи коммунистлар бўлиб, уларнинг кўплари республика Олий Совети депутатлигига сайланиш имкониятига эгадирлар, деб жавоб берди. XX съезддан кейин Литва Компартиясининг обрўси жуда ошиб кетди. Одамлар, анча кенг қатламдаги одамлар, биринчи секретарнинг сўзларига қараганда, коммунистларни қўллаб-қувватламоқдалар. «Саюдис» раҳбарларининг бир қисми — коммунистлардир, уларни съездда Марказий Комитет составига сайлашди ва улар фаол ишлаб, Литва Компартиясининг позициясини ҳимоя қилмоқдалар.

«Саюдис» — ҳар ҳолда республика аҳолиси аксариятининг кайфиятини жуда кўп жиҳатдан акс эттирадиган ташкилотдир. Буни тушуниш керак. Агар биз ана шу ташкилотлар билан умумий нуқтаи назарларни изласак, умумий масалаларни ҳал этишда қандайдир яқинлашишга эришсак, республикада турмушнинг нормал маромини таъминлаш мумкин бўлади.

С. И. Гуренко савол бериб, А.-М. К. Бразаускас Конституция ўзгарганидан кейин халқ депутатларининг бўлажак съездида қандай позицияни тутади, деб сўради. У иккита партиянинг аъзоси сифатида ўз позициясини қандай асослайди? А.-М. К. Бразаускас бундай деб жавоб берди: ижобий. Ижобий, ҳаммаси ижобий. Бизнинг республикамизда 6-модда бекор қилинди.

(Давоми бор).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 8 февраль куни бўлиб ўтган кенгашда Қорақалпоғистон АССР, областлар, Нукус шаҳри ва республиканинг область марказларига доир лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини тайёрлаш чоғида 2010 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг бош плани техник-иқтисодий асосларини комплекс ишлаб чиқиш тажрибасидан фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди.

Кенгашда Тошкент, Нукус, область марказлари шаҳар партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ижроия комитетларининг раислари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ва область ижроия комитетлари раисларининг капитал қурилиш билан шуғулланувчи ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг раҳбарлари, областлар ва область марказларининг бош архитекторлари қатнашдилар.

Кенгашда Нукус шаҳри ва область марказлари бош планлари техник-иқтисодий асосларини маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, область билан комплекс равишда ишлаб чиқиш зарурлиги уқтирилди.

Бош планлар ва бутун лойиҳа-режалаш ҳужжатларини амалга оширишда, шаҳарсозлик интизомига қатъий риоя қилишда, аҳоли яшайдиган жойларнинг меъморий қиёфасини яхшилашда халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг, архитектура идораларининг, лойиҳа ташкилотларининг роли ва масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бунинг учун зарур иқтисодий воситаларни ишлаб чиқиш, шаҳарсозликка доир қонунларни тайёрлаш, якка тартибдаги лойиҳалар асосида объектлар қуриш, аҳолини шинам уй-жойлар ва ривожланган ижтимоий ҳамда инженерлик инфраструктураси билан таъминлаш энг муҳим вазифалар эканлиги айтилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов сўзга чиқди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

ТЕРМИЗ, 10 февраль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Сурхондарё области партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари 1989 йилги иш якунларини ва партия, совет ҳамда хўжалик идораларининг бу йил саноат ва транспорт, алоқа ва савдо ишини тубдан яхшилаш, аҳолига пулли хизмат кўрсатишни кенгайтиришга доир вазифаларини муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси Т. Менглиев доклад қилди.

Йиғилишда Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Э. Бердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов нутқ сўзладилар.

* * *

УРГАНЧ, 10 февраль. (ЎзТАГ). Хоразм область партия-хўжалик фаолларининг бу ерда бўлган йиғилишида 1989 йилда областни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаларининг бажарилиш якунлари ва партия, совет ҳамда хўжалик идораларининг 1990 йилги вазифалари муҳокама қилинди. Хоразм область ижроия комитетининг раиси К. Ҳалимбетов доклад қилди.

Фаоллар йиғилишининг қатнашчилари иш билан банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва маиший хизмат моддий-техника базасини жадал ривожлантириш тадбирларини ҳам муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков нутқ сўзлади.

Сами АБДУҚАҲҲОР

Ўзбек совет адабиёти оғир жудоликка учради. Таниқли ҳажвчи шоир, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Уруш ва меҳнат ветерани, КПСС аъзоси Сами Абдуқаҳҳор узоқ давом этган касалликдан сўнг 68 ёшида вафот этди.

Сами Абдуқаҳҳор 1922 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1938 йилда «Муштум» журналида бошлади. 1939 йилда Сами Абдуқаҳҳор Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Ўқиш жараёнида вилоят газетаси «Ленин йўли»да бўлим мудири бўлиб ишлади. 1941—1946 йилларда Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида иштирок этди. Урушдан кейинги йилларда у «Ленин учқуни», «Қашқадарё ҳақиқати», «Ёш ленинчи» газеталарида, «Ўзбекистон» нашриёти ва «Муштум», «Шарқ юлдузи» журналларида, «Ўзбекфильм» киностудиясида, «Наштар» сатирик киножурналида масъул вазифаларда баракали фаолият кўрсатди.

Сами Абдуқаҳҳорнинг биринчи китоби «Фронт ҳикоялари» 1945 йилда чоп этилди. Ҳозирги пайтгача унинг 35 дан ортиқ ўзбекча, русча китоблари нашр қилинди. Ҳажвий ҳикоялари ва масаллари «Правда» нашриёти томонидан «Крокодил» кутубхонаси сериясида чиқарилди. Ўзбек ва рус тилларида танланган асарлари чоп этилди. У «Фитиль» ва «Наштар» киножурналларида экранга чиққан 50 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли асарларнинг муаллифидир. Шоир ва адиб болаларга ҳамда катталарга бир неча шеърий ва насрий мажмуалар ёзди. Унинг жумҳурият қўғирчоқ театри саҳнасида қўйилган «Ўрмондаги ҳодиса», «Алижон билан Валижон» сингари саҳна асарлари ёш авлодга манзур бўлди. Ижодкор ўнлаб машҳур драматург ва адибларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Сами Абдуқаҳҳор принципал коммунист, моҳир ташкилотчи, дилкаш дўст эди. Иттифоқ ва республика ҳукуматининг нишонлари ҳамда Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди.

Сами Абдуқаҳҳорнинг ёрқин хотираси уни билган барча кишилар қалбида ҳамиша яшайди.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумида

ҚАЙТА ҚУРИШ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

✦ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг 8 февраль куни бўлган мажлисида республика ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётининг бир қанча долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

Республика иқтисодий мустақиллиги концепциясининг лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Ана шу ҳужжат устида ишлаш жараёнида Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини, унинг ресурслар, халқ хўжалиги барча тармоқларини сон ва сифат жиҳатидан жадал ривожлантиришнинг имкониятларини чуқур ўрганишга муваффақ бўлинганини таъкидланди.

Концепция лойиҳасини тайёрлашнинг ўзидан ҳам сабоқ олса бўлади — у КПСС Марказий Комитети ва республика партия ташкилотининг, Совет Иттифоқки ва Ўзбекистон ССР қонун чиқарувчи олий органларининг асосий ҳужжатларига таянади. Олимлар, мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакилларининг кенг доираси ишларнинг аҳволини таҳлил этишга ҳамда аниқ-равшан таклифлар ишлаб чиқишга жалб этилди. Бу ўзига хос ғоялар мусобақаси бўлди — турли хил ечимлар бир-бири билан таққосланди, лекин одатдагидек, уларнинг ҳаммасига янгича, яқин орадаги ва ундан кейинги истиқболнинг аниқ-равшан имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ўзига хос ёндашувлар хос эди. Масалаларнинг шу зайлда, хилма-хил ечимлар билан қўйилиши афтидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бундан кейинги режаларини ишлаб чиқишда ҳам қўлланилса керак.

Ўзбекистон халқ хўжалиги бутун мамлакат экономикаси билан узвий боғлиқлиги ва у барча қардош республикалар манфаатларини ўзида уйғунлаштирган ягона умумиттифоқ комплексида янада самарали ривожланиши мумкинлиги таъкидланди. Бунда хўжалик юритишнинг янги системасига ўтилаётган вақтдаги шарт-шароитларни тенглаштиришга алоҳида эътибор берилди. Бу эса республикаларнинг мустақил ҳуқуқлари кенгайганлигини, нарх белгилаш такомиллашганини, ишлаб чиқариш структуравий жиҳатдан яхшиланганини, солиқ солиш аниқ системасини, аҳолини иш билан банд қилиш қўпайганлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш яхшиланганини, жойларда қайта ишланаётган хом ашё ҳиссаси ортганини билдиради.

Буларнинг ҳаммаси ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни, бюджет пулини камайтиришни жорий этишнинг сўзсиз шартларидир. Турмуш даражасини ошириш, меҳнаткашларнинг талабларини янада тўлароқ қондириш ана шу барча тадбирларнинг асосий натижаси бўлиши керак.

Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ҳукумат комиссиясига концепцияни ва уни асослаб берадиган ҳисобкитоби таҳлил материалларини тайёрлаш борасидаги ишларни давом эттириш топширилди. Бунда тармоқлараро ва территориал мутаносибликларни такомиллаштириш, халқ хўжалиги барча тармоқларини интенсивлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шаклларини жорий этиш, фаолиятнинг молиявий натижаларини яхшилаш асосида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтиришга доир тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

Бунинг учун маҳаллий Совет органларини, министрликлар ва идораларни концепция лойиҳасини янада пишиқлаштиришга жалб этиш керак. Улар иштирок этган тақдирдагина республика ва унинг маҳаллий органлари қарамоғига бериладиган иттифоқ ва иттифоқ-республика бўйсунувидаги бир қанча корхоналар ва ташкилотларнинг мақомини ўзгартириш тўғрисида ҳар томонлама ўйланган таклифларни тайёрлаш мумкин. Бунда корхоналарни техникавий жиҳатдан жиҳозлашга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хилма-хиллигига, рентабелликка, фойдага ва ишлаб чиқариш даражаси ҳамда унинг самарадорлигини ифодалайдиган бошқа кўрсаткичларга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига, Молия министрлигига тегишли министрликлар ва идоралар билан биргаликда февраль ойидаёқ Ўзбекистон ССРнинг мустақил ҳуқуқлари, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳуқуқларини кенгайтириш асосида республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасига раҳбарликни қайта қуриш концепцияси лойиҳаси устидаги ишларни тугатиш топширилди.

Республика ҳукумати «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш давлат программаси ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур ҳужжатда ўзбек тилига Давлат мақоминнинг берилиши унинг ижтимоий ва маданий вазифалари кенгайганлигини, у билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилганлигини билдиради, дейилади. Айни вақтда бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганишларига ёрдам бериш ва уларни рағбатлантириш Ўзбекистон ССРда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, миллатлараро алоқа тили сифатида рус тилидан фойдаланиш тўғрисида давлат ва жамият ғамхўрлиги билан уйғунлаштирилиши керак.

Давлат программасида халқ депутатлари область, шаҳар, район Советлари ҳузурида қонунни амалга ошириш устидан назорат комиссияларини тузиш кўзда тутилган.

Министрлар Совети ҳузурида ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий ва илмий-техникавий атамаларини тартибга келтириш ҳамда атамаларни бундан кейин ҳам ривожлантириш ва қўлланишни назорат қилиб бориш ваколати бериладиган атамалар комитети таъсис этилади.

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги қонунга шарҳлар» ўзбек, рус, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида кўп нусхада нашр этилади.

Қонун лойиҳаларини таклиф қилиш йўли билан бир қанча қонунларнинг ўзгартишлар киритилган лойиҳалари республика Олий Советига тақдим этилади.

Программада ўзбек тили ва адабиётини тадқиқ этишни такомиллаштириш, ўқув жараёнини яхшилаш, махсус адабиётлар ва вақтли нашрлар чиқаришга доир республикамизда яшаётган миллатларнинг миллий-маданий жамиятлари ва ҳамда марказларини таъсис этиш ҳамда уларнинг ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар мажмуаси назарда тутилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига, Давлат план комитетига, министрликлар ва идораларга, оммавий ахборот воситалари, ўқув юртлари, саноат корхоналари, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотларига аниқ-равшан топшириқлар ва тавсиялар берилди.

Қарорда «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг сўзсиз бажарилиши қайта қуриш ва жамиятимизни демократик янгилаш учун курашаётган барча кучларнинг жипслашиши ва ҳамкорлигига, миллий маданиятларнинг уйғун ривожланиши ва ўзаро бойишига, халқлар дўстлигининг, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатлар байналмилал қардошлигининг мустаҳкамланишига кўмаклашади, деб таъкидланади.

...Министрлар Совети Президиуми мажлисининг кун тартибига ўтган йилдан бери муттасил киритилиб келаётган масала бор. Бу қишлоқ аҳолиси шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантириш, якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантиришга доир тадбирлардир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети шу хусусда тегишли қарор қабул қилган эдилар. Бу ишни изчил амалга ошириш, кундалик назорат сезиларли натижалар берди.

Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Наманган, Сирдарё, Хоразм областларида ери бўлмаган оилаларни 1989 йилда участкалар билан таъминлаш топшириғи бажарилди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети маълумотларига кўра, 1990 йилнинг 10 январигача жами 370 минг оилага ёки ерга муҳтож бўлганларнинг 96,2 фоизига янги томорқа участкалари ажратилган. 837 минг оила ўз ерларини кенгайтирган. Республика бўйича ана шу мақсадлар учун жами 147,4 минг гектар ер ажратилган.

Кўп оилалар ўзининг молҳолига эга бўлди. Аҳолига 21 минг бош бузоқ, 26,5 минг чўчқа, 213,5 минг чўчқача, 213,5 минг қўзичоқ ва улоқ, 10,4 миллион жўжа сотилди.

Шундай бўлса-да, бу ишда ҳали ҳам катта камчиликлар бор. 15 мингга яқин ёш оила уй-жой қурилиши учун ер олгани йўқ. Сурхондарё (85,3 фоиз) ва Самарқанд (86,2 фоиз) областларида томорқа ерлари ажратиб бериш қониқарсиз ташкил этилди. Ленин йўли, Каттақўрғон, Самарқанд, Нарпай, Ғузор, Термиз, Кегайли районларида бу ишга етарли аҳамият бермаяптилар.

Тошкент областининг колхоз ва совхозларида қўшимча ерлар ажратиб беришга амалда киришганлари йўқ, бу ишни Фарғона ва Самарқанд областларида чўзиб юборишмоқда. Айни вақтда республика бўйича умуман муҳтож бўлганларнинг 90 фоизи ўз томорқаларини кенгайтирди.

Аҳолига уй-жой қурилишида ва мол сотиб олишда ёрдам бериш учун 243 миллион сўм пул ажратилиши кўзда тутилган эди. Ўзбекистон Давлат банкининг маълумотларига қараганда, ажратилган маблағнинг бешдан тўрт қисми — 198 миллион сўм пул берилган. Лекин текшириш натижасида бу пул ҳам кўпайтириб кўрсатилгани аниқланди.

Чунончи, СССР Давлат банкининг Наманган область бошқармаси пудрат усулида ишлаётган қурувчиларга қарз беради, якка тартибда уй қурувчиларга эса қарз беришни тақиқлаб қўйган. Сурхондарё областида шу мақсадлар учун 12,5 миллион сўм ўрнига аслида 7,5 миллион сўм пул ажратилган, Қашқадарё областида мўлжалдагига нисбатан уч баравар кам маблағ сарфланган.

Якка тартибда уй-жой қурилиши материаллар етишмаслиги сабабли ҳам кечикиб кетмоқда, ҳатто ажратилган фондлар ҳам кўпинча материаллар билан тўла-тўкис таъминланмаяпти.

Министрлар Совети томорқа ерлари ажратишда ва уларни кенгайтиришда, якка тартибда уй-жой қурилишини ташкил этишда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун маҳаллий Совет идоралари, молия муассасалари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитетининг бир қанча раҳбарларига қаттиқ жазо берди.

Қишлоқ аҳолисига ер ажратиб бериш, уй-жой қурилишида кўмаклашиш халқ фаровонлигини оширишнинг, меҳнаткашлар кенг оммаси адолатли талабларини қондиришнинг муҳим воситаси эканлиги таъкидланди.

Қишлоқ аҳолисини ер билан таъминлаш, уй-жой қурилишини кенгайтириш, маҳсулдор чорва молларига эга бўлиш борасидаги барча тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган қўшимча чоралар белгиланди.

Президиум мажлисида СССР халқ депутатлари иккинчи съезди қарорларини бажариш, экиш мавсумига ҳозирлик кўриш, 1990 йилда республикада боғлар ва токзорлар барпо қилишга доир тадбирлар, бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ мухбири).

СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИДА

Сўнгги вақтда Москвада ва бир қанча бошқа жойларда яҳудийлар, озарбайжонлар, арманларни ур-йиқит қилишга гўё тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида овозалар юрибди. Ана шундай овозалар ишончлироқ бўлиши учун бундай миш-мишларни тарқатувчилар айрим норасмий бирлашмаларнинг миллатчилик тусидаги «программаларидан», шунингдек яқинда Москвада адабиётчилар уйида бўлгани каби айрим унсурларнинг безорилик, ғиғогарлик қилмишларидан фойдаланмоқдалар. Ур-йиқит ҳақидаги миш-мишлар одамларни ҳавотирга солмоқда, уларнинг орасида турли фикрларни, ишончсизлик туйғусини келтириб чиқармоқда, ижтимоий вазиятни кескинлаштирмоқда.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети ўз ваколатлари, айниқса совет гражданларининг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли қисми доирасида экстремистик миллатчилик кўринишларига бефарқ қарай олмайди ва қонунда кўзда тутилган ҳолларда бундай миллатчилик кўринишларига чек қўйиш чораларини кўради.

Ур-йиқит ҳақидаги миш-мишларнинг тарқатилаётганида эса, уларнинг асосли эканлигини кўрсатувчи аниқ далиллар йўқ. Давлат хавфсизлиги идораларига келаётган бирдан-бир маълумотлар ана шу овозаларнинг ўзи, улар оммавий ахборот воситаларида такрорланаётганлиги ҳамда айрим гражданларнинг ўша миш-мишлар хусусида тушунтириш беришни сўраб қилган мурожаатларидир. Шунга қарамай, СССР Давлат хавфсизлиги комитети вазиятнинг ривожланишини кузатиб турибди ва вазият аниқ кескинлашган тақдирда тегишли чораларни кўради. Давлат хавфсизлиги комитети бу ишда жамоатчиликнинг, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг аниқ фактлари ёки ана шундай ҳаракат қилиш муддаоларидан ҳақиқатан ҳам хабардор бўлган кишиларнинг ёрдамига умид қилади.

Бундай шароитда оммавий ахборот воситалари шу қадар нозик масалаларни ёритишга ўйлаброқ ёндашишлари, текширилмаган маълумотларни эълон қилмасликлари муҳимдир, чунки бир сабабга кўра, зўравонлик қилишга даъ